

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**  
**АКАДЕМИЯСИ**

**ОЛИМОВ АЗИЗЖОН АНВАР ЎҒЛИ**

**КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ**  
**ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ**  
**ТАЖРИБА**

**мавзусида ёзилган**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
1.1. Кибержиноятчилик тушунчаси ва унинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили.....	11
1.2. Кибержиноятчилик учун жавобгарликнинг миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий асослари.....	23
<b>II БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>37</b>
2.1. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий қонунчилик ва кибержиноятчиликни олдини олиш тизимини такомиллаштириш чоралари.....	37
2.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликнинг нормаларининг таҳлили.....	45
2.3. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш истиқболлари.....	59
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>70</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>77</b>
<b>ИЛОВА.....</b>	<b>85</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот чегара билмас кучга айланиб, у бутун дунё аҳолисини бошқармоқда. Энг йирик глобал маконга айланган интернет нафақат шахсга, балки жамият ва давлат хавфсизлигига дахл қилувчи куролга ҳам айланиб улгурди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДХ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жинойий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 4 млрд.дан ортиғи интернет фойдаланувчиси ҳисобланиб, киберхавфсизлик бўйича халқаро экспертлар 2019 йилда киберҳужумлар ҳар 14 секундда содир бўлишини таъкидлади<sup>1</sup>. Ҳар йили кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 %ни ташкил этади<sup>2</sup>.

Замонавий технолгиялар асрида деярли барча жиноятларнинг ахборот технологиялари ёки интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилиши ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятларга қарши курашиш, халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Кибержиноятларнинг трансмиллий хусусиятини инобатга олиб, жаҳонда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот изланишлар ахборотни хавфсиз узатиш, электрон далилларнинг мақбуллиги, компьютер жиноятларинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи, ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларига бағишланган.

Қайд этиш жоизки, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини

---

<sup>1</sup> S.Morgan. Official Annual Cybercrime Report 2019 // Cybersecurity Ventures.

<sup>2</sup> <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal).

янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишининг муҳим вазифаси сифатида белгиланган<sup>3</sup>. Шу сабабли тобора авж олиб бораётган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши самарали ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш, ахборотни хавфсиз тарқалиши учун аниқ архитектурани яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 467-I-сон, 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон, 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа соҳадаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни комплекс тарзда амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг объекти** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар) га қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ташкилий чораларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни (кибержиноятлар) содир этганлик учун Ўзбекистон Республикасида жиноий жавобгарликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, амалдаги қонунчилик ва хорижий мамлакатлар амалиёти, шунингдек жиноят ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган концептуал ёндашув, илмий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга (кибержиноятлар) қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кибержиноятчилик учун жавобгарликнинг миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

ахборот соҳасидаги жиноятчилик, ахборот соҳасидаги янги хавф ва хатарларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида миллий ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар профилактикаси ва уларни олдини олишнинг криминологик чоралари самарадорлигини ошириш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Мавзу доирасида аниқланган муаммолар:

**1.** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар)

учун жавобгарлик белгиловчи нормаларнинг такомиллашмаганлиги, яъни ЖК да назарда тутилмаган ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноят таркибларининг кўплиги, жиноят турларининг янгиланмай қолганлиги;

2. Кибержиноятларнинг объекти тўғрисида ягона фикр мавжуд эмаслиги, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида тушунчаларнинг турлича талқин этилиши;

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексиди ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни фош этишда рақамли экспертиза тайинланиши амалиёти мавжуд эмаслиги;

4. Кибержиноятчиликни олдини олишда киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлиги;

5. Компьютер жиноячилигининг глобаллашуви ва «халқаро кўламга эга бўлиши», мазкур жиноятчиликнинг глобал хавф (кибержиноятчилик) сифатида тан олиниси, кибержиноятларнинг халқаро миқёсда содир этилишига имкон яратувчи «виртуал макон»нинг вужудга келиши натижасида халқаро ҳамкорлик алоқалари самарали ўрнатилмаганлиги;

6. Кибержиноятларни аниқлаш, унинг сабабларини ўрганиб бартараф этиш, тергов қилиш ва ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида ягона махсус бўлинманинг мавжуд эмаслиги;

7. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят ишларини юритишда электрон далилларнинг бутунлиги ва яхлитлигини таъминловчи, уларни кўздан кечириш, олиш, сақлаш, ташиш ва судга тақдим этиш тартибини белгиловчи маҳанизм мавжуд эмаслиги;

8. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тўғрисида аҳолининг етарли даражада хабардор эмаслиги; техник билимнинг этишмаслиги ва бунинг натижасида шахсларнинг турли кибержиноятларнинг қурбонига айланиши.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

кибержиноятларнинг киберфирибгарлик, кибертерроризм турлари ва киберхавфсизлик тушунчаларининг таърифи ва улар учун жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

шахснинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда ахборот технологиларидан фойдаланиб шахсий ҳаёт дахлсизлигига тажовуз қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 141<sup>1</sup>-моддасида жавобгарлик белгилаш зарурати исботланган;

давлат ва хусусий сектор ўртасида ахборот алмашишда ва келгусида ахборот хавфсизлиги учун таҳдидларни олдини олиш мақсадида “Киберхавфсизлик стратегияси”ни ишлаб чиқиш зарурлиги исботланган;

кибержиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш, тергов қилиш ва рақамли экспертиза ўтказиш, электрон далилларни тўплаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш мақсадида махсус бўлинма ташкил этиш зарурлиги асослантирилган;

ахборот технологиялари воситасида шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатилиши сабабли мазкур ҳаракатлар ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тан олинishi лозимлиги тақлиф этилган.

#### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.**

Кибержиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш жиҳатлари нафақат миллий, балки дунё жиноят-ҳуқуқий фанида янги йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур муаммонинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик (А.К.Расулев, Е.С.Абдурахманов, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбаев, К.Р.Абдурасулова, М.Собиров, Н.С.Салаев, Х.Очилов Д.И.Сафаров), шунингдек, криминалистик (А.С.Закутский, Т.Н.Бутунбаев) чораларининг умумий ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг таркиби, хусусиятлари, улар учун жиноий жавобгарлик, жиноятларни квалификация қилиш ва исботлаш масалалари, шунингдек жиноятларнинг виктимологик,

криминологик, социологик (жиноят-статистик) жихатлари В.А.Бессонов, М.Ю.Дворецкий, С.Г.Спирина, В.С. Карпова, Д.Г.Мальшенко, А.М.Доронин, А.А.Жмыхов, Т.Л.Тропина, Т.М.Лопатина, У.В.Зинина, А.В.Глушков, М.А.Зубова, Ю.М.Батурин, Ю.М.Жодзинский, Н.А.Селиванов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек А.В.Мнацаканян, Д.А.Ковлагина, Г.И.Узембаеваларнинг ахборот хавфсизлигини жиноят-хукукий муҳофаза қилиш, А.А.Шутова, М.А.Простосердов, М.Ю.Шаляпина, А.Ю.Чупрова, З.И.Хисамоваларнинг иқтисодиёт соҳасида ахборот воситаларидан фойдаланиб, содир этилган жиноятлар, Г.Г.Родионовнинг ушбу жиноятларнинг криминалистик тавсифи, И.Р.Бегишевнинг рақамли ахборот жиноятларига қарши курашиш, J.Howardнинг (АҚШ) Интернетга тармоқли хужумлар статистикасининг таҳлили, J.Smithнинг (АҚШ) тармоқли хужумларнинг тергов қилиш техникаси; В.Collin (АҚШ), D.Denningларнинг (Великобритания) кибертерроризм ва ахборот хавфсизлиги, S.Furnell (Австралия), P.Grabosky (АҚШ), P.Nimaneпларнинг (Финляндия) кибержиноятчи ва хакер шахси, E.Hickey (Австрия), D.Parkerларнинг (АҚШ) кибержиноятларнинг криминологик жихатларига бағишланган тадқиқотларни таъкидлаш лозим.

Республикамизда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик (Х.Р.Очилов) мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси , ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хукукий ва криминологик чораларини такомиллаштириш (А.К.Расулев) мавзусида докторлик диссертацияси (DSc) ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқотларда ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва шароитлари, компьютер фирибгарлиги, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хукукий чораларини такомиллаштириш тадқиқ этилган. Аммо ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни кибержиноят сифатида ўрганиб, унга қарши курашишнинг ташкилий-



ҳуқуқий чораларини ва таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга оид тадқиқот олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий тадқиқотнинг умумий ва махсус усуллари: тизимли, аниқсоциологик, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, миқдорий таҳлил (контент-таҳлил), мантиқий-юримдик ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ишлаб чиқишда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳамда жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий кибернетика, криминалистика, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ахборот хавфсизлиги, суд экспертизаси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш, мазкур жиноятларни олдини олиш самарадорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида тадқиқ этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий кибернетика, криминалистика, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ахборот хавфсизлиги, суд экспертизаси фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Кибержиноятчилик тушунчаси ва унинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили**

Жаҳон ҳамжамияти янги давр — ахборот жамияти даврига кириб, компьютерлар ва телекоммуникация тизимлари инсон ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Аммо инсоният ўзини телекоммуникация ва глобал компьютер тармоқлари хизматига қўйиб, бу технологияларни суиистеъмол қилиш учун қандай имкониятлар яратилишини олдиндан сезмаган. Бугунги кунда виртуал маконда фаолият юритаётган жиноятчилар қурбонлари нафақат одамларга, балки бутун давлатларга айланиши мумкин. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигига қарши жиноятларни бир неча жиноятчилар уюшмаси ёки гуруҳи содир қилиши мумкин. Кибермуҳитда содир этилган жиноятлар сони компьютер тармоқларидан фойдаланувчилар сонига мутаносиб равишда ўсиб бормоқда ва Халқаро жиноят полицияси ташкилоти – Интерпол ҳисоб-китобларига кўра, глобал интернет тармоғида ушбу жиноятчиликнинг ўсиш суръати сайёрамизда энг тезкор ҳисобланади<sup>4</sup>.

Албатта, глобал алоқа ва ахборот тизимларининг ривожланиши муқаррар ва кўплаб имтиёзларга эга. Аммо, глобаллашув бошқа соҳаларда бўлгани каби, ахборот алмашиш ва технологик ютуқларнинг янги замонавий воситалари тобора жиноий мақсадлар учун ишлатилмоқда ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар глобаллашув таъсирида янги кўринишларда ва илгари мавжуд бўлмаган техникалар ёрдамида содир этилмоқда.

2020 йилнинг апрел ойидаги маълумотга кўра, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 18.4 млн.га етган (бу умумий аҳолининг 55 фоизига тўғри келади), аҳолининг 76 фоизи ёки 25 140

---

<sup>4</sup> <https://www.interpol.int/Crimes/Cybercrime>

000 ўзбекистонликлар мобил телефонга эгалар, шунингдек, Ўзбекистондан халқаро тармоқларга умумий уланиш тезлиги 104,1 Gbit /s. ни ташкил этган<sup>5</sup>. Айти пайтда “UZ” миллий доменида 66 мингдан ортиқ фаол домен бор. 2017 йилда Ўзбекистонда 53 мингга яқин фаол домен мавжуд бўлиб, 2018 йилда уларнинг сони 65 мингга етган.

Ҳар бир фойдаланувчида Интернет хизматлари борлиги, уларнинг кибертерроризм қурбони бўлиши мумкинлигини англатади. UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизматининг маълумотларига кўра, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54.953.759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган. Улардан 2.502.353 тасининг хавфи юқори даража бўлган<sup>6</sup>.

Бир сўз билан айтганда, глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асрида инсоният ҳаётига оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган компьютер жиноятчилиги каби улкан муаммолар ҳам кириб келмоқда.

2017 йилнинг 7 февраль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Кибер хавфсизлик бўйича халқаро форум (Cyber Security Forum-2017)да кибержиноятлар оламида бугун энг кўп тарқалган учта хуруж қайд этилди. Экспертларнинг фикрича, фишинг орқали маълумотларни ўғирлаш, махфий мақсадга эга мобил иловалар орқали электрон қурилмаларга кириб бориш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали бугун кўпчилик интернет фойдаланувчилари кибержиноятларнинг қурбонига айланмоқда.

Бугунги кунда кибержиноятчиликда муайян шахснинг ёки объектнинг географик жойлашган нуқтаси тўғрисида хабар тарқатиш, шахсий маълумотлар базасини бузиб кириш каби хизматлар оммалашган. Хаккерлар бу каби маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқ

---

<sup>5</sup> <https://wearesocial.com/digital-2020>

<sup>6</sup> <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrah-itogi-2018-goda/>

фойдаланувчилари томонидан турли электрон ресурсларга уларнинг фойдаланиш шартларини ўқимасдан туриб киришлари эвазига олишмоқда.

Агар статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йил бутун дунёда 600 миллион жиноят содир этилган бўлиб, улардан 40 миллиони кибержиноятлар ҳисобланади. Бу эса Белгия, Швецария, Швеция каби давлатлар аҳолисидан кўпдир. 2018 йил давомида дунёда йилига 556 миллион, ҳар бир кунда 1,5 миллион, ҳар бир секундда 18 нафар шахслар кибержиноятчилик қурбони бўлади<sup>7</sup>.

Ахборот-технологиялар воситасида содир қилинган жиноятлар, аллақачон ривожланган хорижий мамлакатларда “кибержиноятлар” деб номланади ва ушбу ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашиш, олдини олиш, унинг кейинги фаолиятига тўсқинлик қилиш каби чоратadbирлар қонунчилигида белгиланган. Умуман олганда, кибержиноятларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар:

→ ушбу тоифадаги жиноятлар макон танламай, уни исталган пайт дунёнинг турли томонларидан кутиш мумкин;

→ мунтазам равишда ҳар куни янги ва олдингиларидан анча хавфлироқ бўлган вирус ва бошқа зарарли дастурларнинг яратилиши;

→ кибержиноятларга қарши курашадиган органларда малакали ва ушбу соҳада мукамал билимларга эга мутахассислар мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида жиноятнинг кеч аниқланиши;

→ кибержиноят натижасида муайян мулк эмас, балки ахборотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи йўқотилади;

→ ахборотларни қайта ишлаш жараёнида йўл қўйилган хатолик ўз вақтида кузатилмайди ва тuzатилмайди, натижада келгусида содир бўладиган хатоларнинг олдини олиб бўлмайди<sup>8</sup>;

---

<sup>7</sup> [www.statista.com](http://www.statista.com)

<sup>8</sup> Рўзиёв Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 6-бет.

→ содир этиладиган компьютер жиноятлари ўз вақтида эълон қилинмайди (ҳисоблаш тармоқларида камчиликлар мавжудлигини бошқалардан яшириш, муассаса ишчанлик обрўйини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда);

→ кибержиноятни тергов қилиш ҳамда очишнинг ўзига хос қийинлиги, жуда катта зарарга олиб келиши, жиноятчиларга қарши курашиш ва унинг профилактикаси учун ягона ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги кабилар.

Кўриниб турибдики, кибержиноятни ҳуқуқий категория сифатида ҳам, ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам фарқлаш лозим. Маълумки, кибержиноятчилик давлат чегараларини билмайди. Эҳтимол, халқаро ташкилотларнинг тажрибаси энг мос стандарт таърифни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши керак. Бу муаммони ҳал қилиш учун қўйилган асосий қадамлардан бири 2001 йил 23 ноябрда Европа Кенгаши томонидан “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Конвенсиянинг қабул қилиниши бўлди. Муаммонинг мураккаблигини ҳисобга олиб, Европа Кенгаши 2000 йил бошида кибермуҳитда содир этилган жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенсия лойиҳасини тайёрлади ва эълон қилди. Ушбу ҳужжат кибержиноятчиларни тергов қилиш ва жинойий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари бўйича биринчи халқаро битим бўлди.

Кибержиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенсия компьютер тизимларига рухсатсиз аралашиш, маълумотларнинг ноқонуний ушланиши ва компьютер тизимларига аралашишнинг олдини олиш учун миллий ва халқаро даражадаги мувофиқлаштирилган ҳаракатларни назарда тутди. Кибержиноятчилик тўғрисидаги ушбу Европа Конвенциясига кўра, кибержиноятчилик компьютер тизимлари, тармоқлари ва маълумотларининг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлиги ҳамда ушбу тизимлар, тармоқлар ва маълумотларнинг қонунга хилоф тарзда

ишлатилишига қарши жинойтдир<sup>9</sup>. Кибержинойтчилик компьютер жинойтлари сифатида белгиланган бўлиши мумкин. Атама жинойтнинг таркибий қисми сифатида Интернет ёки бошқа компьютер тармоғи ёрдамида содир етилган жинойтларни назарда тутди.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида “кибержинойт” тушунчасига борган сайин кўпроқ дуч келаётган бўлсак-да, ушбу тушунчага синоним сифатида мамлакатимизда “компьютер жинойтлари” ёки “ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар” тушунчалари қўлланилади. Аммо аксарият муаллифлар “кибержинойт” тушунчасини “компьютер жинойтлари” тушунчасидан фарқ қилишини, ушбу тушунча ахборотлаштириш соҳасидаги барча жинойтларни қамраб олишини, шу орқали “компьютер жинойтлари”га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини<sup>10</sup> таъкидлашган. Бундан кўринадики, кибержинойт компьютердан фойдаланиш ёки компьютер, глобал тармоқ орқали содир қилинадиган жинойтдир.<sup>11</sup>

Д.Н.Карпованинг фикрича кибержинойтчилик – Интернет тармоғига эга бўлган ҳар қандай техник воситалар ёрдамида шахс, ташкилот ёки давлатга иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, мафкуравий, маданий ва бошқа турдаги зарар етказиш мақсадидаги ижтимоий хавфли қилмишдир<sup>12</sup>. Эътиборли жиҳати, Карпова шахсга етказиладиган мафкуравий зарарни ҳам кибержинойтчилик деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари яна бир ишончли манба, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жинойтчиликка қарши курашиш бошқармаси томонидан кибержинойтчиликка оид ишлаб чиқилган ўқув-модулида кибержинойтчиликка ахборот-коммуникация технологияларидан

---

<sup>9</sup> Европейская Конвенция по киберпреступлениям. Будапешт, 23 ноября 2001 года. // <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/0900001680081561>

<sup>10</sup> Номоконов В.А., Тропина Т.Л. Киберпреступность как новая криминальная угроза.// Криминология: вчера, сегодня, завтра. – 2012 г. – 1 (24). – С.47.; Киберпреступность: криминологической, уголовно-правовой, уголовно-процессуальный и криминалистический анализ. / Науч. ред. И.Г.Смирного. – М., 2016. – С. 34.

<sup>11</sup> Gurcke M. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU, 2009.

<sup>12</sup> Карпова Д.Н. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. Власть, 2014, ст.47.

(АКТ) фойдаланган ҳолда ёки тармоқларга, тизимларга, маълумотларга, веб-сайтларга, технологияларга йўналтирилган ёки жиноят содир этишга ёрдам берадиган қонунни бузадиган ҳаракат<sup>13</sup>, деб таъриф берилган.

Ушбу тушунчалардан фарқли равишда кибержиноят тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: кибержиноят – бу компьютер тизими, тармоғи, шунингдек компьютер тизими, тармоғига уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида шахс, жамият ва давлатнинг моддий ва номоддий неъматларига қаратилган ахборот ҳужуми кўринишидаги кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш.

Шундай қилиб, Интернет бевосита жиноят содир этиш учун фойдаланиладиган ҳолларда у ҳам усул, ҳам воситадир, бошқаларда эса фақат воситадир.

Кўпгина илмий тадқиқотлар “кибержиноятлар” атамасини аниқлашга ҳаракат қилмоқда<sup>14</sup>. Бироқ, мамлакатларнинг миллий қонунчилиги лойиҳачилари ўзларига ушбу концепцияга аниқ таъриф бериш вазифасини юкламайдилар. БМТ томонидан олиб борилган тадқиқотнинг сўровномаларига жавоб сифатида мамлакатлар томонидан кўрсатилган 200 га яқин миллий қонун ҳужжатларидан, беш фоиздан кам ҳолатларда “кибержиноятлар” атамаси ҳуқуқий нормаларнинг номида ёки мазмунида мавжуд еди<sup>15</sup>. Бунинг ўрнига қонун ҳужжатларида “компьютер жинояти”,<sup>16</sup> “электрон воситалардаги алоқа соҳасидаги жиноят”,<sup>17</sup> “ахборот

---

<sup>13</sup> Киберпреступность. Модуль 1. Введение в киберпреступность.// Образование во имя правосудия серия университетских модулей.// Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

<sup>14</sup>International Telecommunication Union, 2011. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries; Explanatory Report to the Council of Europe Cybercrime Convention, ETS No. 185; Pocar, F., 2004. New challenges for international rules against cyber-crime. European Journal on Criminal Policy and Research, 10(1):27-37; Wall, D.S., 2007. Cybercrime: The Transformation of Crime in the Information Age. Cambridge: Polity Press.

<sup>15</sup> Вопрo сник по проблеме киберпреступности. Вопр. 12.

<sup>16</sup> См., например: Малайзия, Закон о компьютерных преступлениях (Computer Crimes Act) 1997 года; Шри-Ланка, Закон о компьютерных преступлениях (Computer Crime Act) 2007 года; Судан, Закон о компьютерных преступлениях (Computer Crimes Act) 2007 года.

<sup>17</sup> См., например: Албания, Закон Республики Албания об электронных средствах связи № 9918 2008 года (Electronic Communications in the Republic of Albania); Франция, Кодекс о почте и электронных средствах связи (консолидированная версия) (Code des postes et des communications électroniques (version consolidée)) 2012 года; Тонга, Закон о средствах связи (Communications Act) 2000 года.



технологиялари”<sup>18</sup> ёки “юқори технологиялар соҳасидаги жиноятлар”<sup>19</sup> атамалари кўпроқ қўлланилади. “Кибержиноятчилик” атамаси ҳуқуқий термин сифатида тўлиқ мазмун касб этмаслиги мумкин<sup>20</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси<sup>21</sup> каби халқаро ҳуқуқий конвенциясида ҳам худди шундай ёндашув қўлланилади, бу "коррупция" атамасига таъриф бермайди ва у иштирокчи давлатларнинг муайян ҳаракатлар тўпламини криминаллаштириш мажбуриятини белгилаб беради. Шунинг учун "кибержиноятчилик" тушунчасига ҳаракатлар ёки ҳаракатлар мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг “Кибержиноятчилик муаммоларини ҳар томонлама ўрганиш” мавзусидаги ҳисоботида 200 дан ортиқ давлатлар ўртасида сўровнома ўтказиш натижасида 14 та ижтимоий ҳавфли ҳаракатлар 3 та категорияга бўлинган ҳолда кибержиноят деб кўрсатилган<sup>22</sup>. Улар қуйидагилар:

**Компьютер маълумотлари ва тизимларининг  
конфиденциаллиги, яхлитлиги ва мавжудлигига қарши ҳаракатлар:**

- Компьютер тизимидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш;
- Қонунга ҳилоф равишда компьютер маълумотларини қўлга киритиш ва фойдаланиш;
- Компьютер маълумотлари ва тизимига қонунга ҳилоф равишда аралаштириш;

---

<sup>18</sup> См., например: Индия, Закон об информационных технологиях (Information Technology Act) 2000 года; Саудовская Аравия, Закон о преступлениях в сфере ИТ (IT Criminal Act) 2007 года; Боливарианская Республика Венесуэла, Специальный закон о преступлениях в сфере информационных технологий (Ley Especial contra los Delitos Informáticos) 2001 года; Вьетнам, Закон об информационных технологиях (Law on Information Technology) 2007 года.

<sup>19</sup> См., например: Сербия, Закон об организации и компетенции государственных органов противодействия преступлениям в сфере высоких технологий (Law on Organization and Competence of Government Authorities for Combating High-Tech Crime) 2010 года.

<sup>20</sup> International Telecommunication Union, 2011. Understanding Cybercrime: A guide for Developing Countries.

<sup>21</sup> United Nations. 2004. Convention against Corruption.

<sup>22</sup> Всестороннее исследование проблемы киберпреступности // Проект, феврал 2013 года., ООН, Нью-Йорк, 2013, ст.49.

- Компьютердан нотўғри фойдаланиш ишлаб чиқариш, тарқатиш ёки сақлаш;
- Махфийлик ёки маълумотларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бузиш.

**Шахсий ёки молиявий фойда олиш ёки шахсий ёки молиявий зарар етказиш мақсадида компьютердан фойдаланишни ўз ичига олган ҳаракатлар:**

- Компьютер фирибгарлиги ёки сохталаштириш;
- Шахсий маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ компьютер жиноятлари;
- Муаллифлик ҳуқуқи ёки товар белгилари билан боғлиқ компьютер жиноятлари;
- Спамни тарқатиш ёки бошқариш;
- Шахсий зарар етказиш мақсадида компьютердан фойдаланишни ўз ичига олган ҳаракатлар;

**Компьютер маълумотларининг мазмуни билан боғлиқ ҳаракатлар:**

- Болалар порнографиясини ишлаб чиқариш, тарқатиш ёки сақлаш мақсадида компьютерлардан фойдаланиш;
- Террористик жиноятларни содир этиш учун компьютердан фойдаланишни ўз ичига олган ҳаракатлар;
- Ирқчилик ёки ксенофобия билан боғлиқ компьютер жиноятлари.

Ушбу санаб ўтилган кибержиноятнинг ўзига хос жинойий-ҳуқуқий хусусиятларига ҳам эътибор қаратмоқчиман:

- компьютер жиноятларининг яширинлиги (латентлиги) ;
- давлатлараролиги;
- ахборот, ахборот ресурслари ва ахборот технологиялари жинойий ҳужумларнинг предмети (мақсади), жиноятлар содир этилган муҳит ва жиноят воситаси ёки воситаси бўлиши мумкин;

- компьютер маълумотларини йўқ қилиш ва ўзгартириш қулайлиги (жиноят излари);
- виртуал изларни олиб ташлаб бўлмайди, уларни фақат кўчириб олиш мумкин;
- телекоммуникация тармоғи операторлари серверларида кибержиноятчилик изларини қисқа муддатли сақланиши ва бошқалар.

Европа Кенгашининг кибержиноятчилик тўғрисидаги Конвенсия компьютер жиноятларининг тўрт турини “махсус кибержиноятлар” сифатида таснифлайди ва уларни компьютер маълумотлари ва тизимларининг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига қарши жиноятлар сифатида белгилайди:

1. Компьютер тизимига ноқонуний кириш – 2-модда (компьютер тизимига ёки унинг бир қисмига ноқонуний қасдан кириш);

2. Компьютер ахборотини қонунга хилоф тарзда эгаллаш – 3-модда (жамоат учун мўлжалланмаган компьютер маълумотлар ўтказмаларини ноқонуний қасдан қўлга киритиш);

3. Компьютер ахборотини модификациялаштириш – 4-модда (компьютер маълумотларининг қонунга хилоф равишда шикастланиши, ўчирилиши, бузилиши, ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши);

4. Компьютер тизимига ноқонуний аралаштириш – 5-модда (компьютер маълумотларини киритиш, узатиш, зарар етказиш, ўчириш, бузиш, ўзгартириш ёки бостириш йўли билан компьютер тизими фаолиятига жиддий ноқонуний аралаштириш).

Бундан ташқари, БМТнинг X Конгрессида кибержиноятнинг бир неча тоифаси таклиф этилган. Синфлар бўйича бўлинади: зўравон ёки бошқа потенциал хавfli жиноятлар (жисмоний зўравонлик тахдид, кибертаъқиб, болалар порнографияси, кибертерроризм) ва нозўравон жиноятлар (рухсатсиз кириш, киберўғирлик, киберфирибгарлик, Интернет

ёрдамида наркотрафик, интернетда қимор, электрон ҳаракати ёрдамида легаллаштириш бошқа кибер жиноятлар).

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, кибержиноятларнинг асосий объекти бу компьютер ахборотидир. Компьютер ахбороти бу тақдим этилиш шаклидан қатъий назар ахборот ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги маълум бир хос матнда аниқ маънога эга бўлган тушунчаларни ичига олувчи шахс, предмет, далил, воқеа, ҳодиса каби объектлар ҳақидаги билимлар, маълумотлардир<sup>23</sup>. Ушбу турдаги жиноятлар ахборот технологияларидан қонуний, хавфсиз фойдаланишни таъминловчи муносабатларга тажовуз қилади. Жиноят объектининг тўрт бўғинли тузилишга эга эканлиги ҳақидаги назарияга асосланадиган бўлсак, ахборот технологияларидан ғайриқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиноий тажовузнинг **умумий объектини** жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи, **махсус объектини** жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, **турдош объектини** ахборот технологияларидан қонуний ва хавфсиз фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил қилади. **Бевосита объекти** эса муайян модданинг номи ва диспозициясидан келиб чиқиб аниқланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг объекти нимадан иборат, деган масала ҳанузгача баҳсли бўлиб келмоқда. Жумладан, юридик адабиётларда ушбу турдаги жиноятлар нинг объекти ва предмети хусусида ҳар хил фикрлар бор. Масалан, В.В.Крилов ушбу жиноятларнинг объектини ЭҲМ маълумотлари ташкил қилади, деб ҳисоблайди<sup>24</sup>. Л. Чичко эса объект деганда ЭҲМ ахборотини, В.Б.Бехов эса машина ахборотини тушунишни таъкидлаган.

Жиноий-ҳуқуқий тушунишда компьютер ахбороти ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг предмети ҳисобланади. Масалан

---

<sup>23</sup> Файзиев О.Р., Хусаинов Д.К. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар. – Тошкент., ТДЮИ, 2009. – Б.63.

<sup>24</sup> Крылов В. Информационные преступления – новый криминологический объект // Российская юстиция. – 2010, № 7 – С.56.

бундай ҳолатлар Жиноят кодекси 278<sup>1</sup>, 278<sup>2</sup>, 278<sup>4</sup> ва 278<sup>6</sup>-моддаларнинг диспозицияларида тўғридан-тўғри кўрсатилган. Бошқа ҳолларда эса предметнинг аниқланиши жиноят таркиби бошқа элементларнинг аниқланиши билан боғланган (Жиноят кодексининг 278<sup>3</sup> ва 278<sup>5</sup>-моддалари).

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинликлари принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, ахборот — бу манбалари ва тақдим этилган шаклидан қатъий назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир. Жиноят кодекси Махсус қисмининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид бобининг хусусияти шундаки, унда ахборотнинг алоҳида тури – компьютер ахбороти ҳақида сўз боради.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар таркибларининг **объектив томони** аксарият ҳолларда моддий таркиб сифатида ифодаланади. Шу боис нафақат ижтимоий хавfli қилмишнинг содир этилиши, балки ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз бериши, шунингдек қилмиш билан юз берган оқибат ўртасидаги сабабий алоқа аниқланиши ҳам назарда тутилади. Жиноятларнинг алоҳида таркиблари (ЖК 278<sup>3</sup> ва 278<sup>6</sup>-моддалар) қонунда формал таркиб сифатида ифодаланган. Уларнинг тугаш пайти сифатида, оқибатлари қачон юз беришидан катъи назар, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилиш вақти кўрсатилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг **субъектив томони** айбнинг тўғри ёки эгри кўринишидаги қасд шакли билан тавсифланади. Фақатгина битта жиноят, ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ЖК 278<sup>1</sup>-моддасидаги жиноят ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин. Қонун чиқарувчи томонидан иккита жиноят учун, ЖК 278<sup>3</sup> ва 278<sup>6</sup>-моддаларида жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида мақсад белгиланган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг субъекти ақли расо, 16 ёшга тўлган, ахборотларни қўриқлаш мажбуриятига эга ёки компьютер ахборотларига қонунга хилоф равишда кирган шахслар ҳисобланади. Аммо сўнгги йилларда ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини пасайтириш таклифлари илгари сурилмоқда. Шунини айтиш лозимки, бугунги кунда компьютер технологиясининг ривожланиши ушбу жиноятларни ёш болалар ва вояга етмаган шахслар томонидан ҳам содир этиш имкониятларини яратди.

## **1.2. Кибержиноятчилик учун жавобгарликнинг миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий асослари.**

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик компьютер ахборотини қўллаш, сақлаш, жўнатиш, нусха кўчириш соҳасидаги хавфсизлик бузилгандагина юзага келади. Ушбу хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасидаги ғайриқонуний қилмишлари учун жавобгарликни белгиловчи амалдаги жиноят қонунлари нормалари билан ҳам, ахборот муносабатлари соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар билан ҳам кафолатланган.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ўзи истаган ахборотни олиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Лекин, ушбу имкониятлардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланаётган шахслар ҳам йўқ эмас. Улар виртуал оламда инсонлар онгини захарлаш, ўзганинг бойлигига кўз тикиш ва шахснинг кадр-қимматини топташ билан боғлиқ ҳаракатларни содир этиб, жиноятчиликка қўл урмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцисининг 27-моддасига мувофиқ, шахснинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни унинг розилигисиз тўплаш, сақлаш, ишлатиш ва тарқатишга йўл қўйилмайди. “Шахсий ҳаёт” тушунчасига давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар томонидан назорат қилиниши мумкин бўлмаган инсоннинг оилавий, маиший, шахсий, интим муносабатлари соҳасидаги ҳаёти ва фаолияти киради. Қолаверса, 2019 йил 02 июлда қабул қилинган “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга асосан, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганда айбдор шахслар белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгар бўлади<sup>25</sup>.

Ахборот ресурсларини тўплаш, сақлаш, тарқатиш, ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши, шунингдек, телекоммуникациялар

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни, 2019 йил 02 июл(<https://lex.uz/docs/4396419>).

тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қонунлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Алоқа тўғрисида”ги, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлари билан давом эттиришимиз мумкин. Юқорида санаб ўтилган барча норматив ҳужжатларда ахборот шаклидан қайси назар, у қонун билан муҳофаза этилиши белгиланган.

Бевосита ахборот соҳасидаги жиноий қонунчилигимизга эътибор берадиган бўлсак, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 174-моддаси ахборотлаштириш қоидаларини бузиш ва унга нисбатан жавобгарлик масалаларига бағишланган эди. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитида ушбу соҳадаги жиноятчилик, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортиб бораётганлиги сабабли унга қарши курашиш ҳамда олдини олиш масалаларини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган ва 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>26</sup>га биноан, амалдаги Жиноят кодексидан

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 137-сонли Қонуни, 2007 йил 25 декабр. (<https://lex.uz/docs/1295262>).



“Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” деб номланган 174-модда чиқариб ташланди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига **“Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”** номли алоҳида **XX<sup>1</sup> боб** қўшилди.

Ушбу бобда қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилди: ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (ЖК 278<sup>1</sup>-моддаси); компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (ЖК 278<sup>2</sup>-моддаси); компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (ЖК 278<sup>3</sup>-моддаси); компьютер ахборотини модификациялаштириш (ЖК 278<sup>4</sup>-модда); компьютер саботажи (ЖК 278<sup>5</sup>-модда); зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (ЖК 278<sup>6</sup>-модда); телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (ЖК 278<sup>7</sup>-модда)<sup>27</sup>.

Биз ҳам ушбу билдирилган фикрга қўшилган ҳолда, компьютер жиноятчилиги мазмунан кўплаб турдаги жиноятларни қамраб олишини қайд этамиз. Жумладан, Ўзбекистон ЖКнинг Махсус қисмидаги шахсга қарши (4), тинчликка ва хавфсизликка қарши (1), иқтисодиёт соҳасидаги (3), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши (4) жиноятларнинг аксариятини компьютер жиноятлари тоифасига киритиш мумкин. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кодекснинг 8 та моддасида айнан компьютер техникаси орқали содир этилган қилмиш учун алоҳида санкция назарда тутилган.

Гарчи миллий жиноят қонунчилигимиз бошқа ҳуқуқ соҳаларидан кўра ривожланган бўлса-да, ЖКда киберҳужумлар орқали шахсларга зарар келтирганлик учун жиноий жавобгарлик етарлича очиб берилмаган ва

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 503-сонли Қонуни билан киритилган., 2018 йил 22 октябр, (<https://lex.uz/docs/4011752>).

фақатгина компьютер воситасидан фойдаланиб талон-тарож қилиш ЖК 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш) 3-қисм “г” бандида “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, 168-моддаси (фирибгарлик) 2-қисми “в” бандида “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, 169-моддаси (ўғрилиқ) 3-қисми “б” бандида “компьютер тизимига рухсатсиз кириб” мазмунида тарқоқ ҳолда берилган. Шу сабабли бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда турли хил муаммолар, жумладан айрим ҳолларда айбдорнинг бир вақтнинг ўзида Жиноят кодексининг 4,8–10-моддаларига ҳилоф равишда икки марта жавобгарликка тортилиши<sup>28</sup> ёки жазо тайинлашда шахснинг қилмиши қўшимча равишда мазкур боб моддалари билан ҳам квалификация қилинишига олиб келмоқда.

Ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилагн жиноятлар Ўзбекистон Республикасидаги статистикаси қуйидагича: бузилган миллий домен (.uz) сайтларининг сони – 548 та, шундан компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш жиноятлари – 321 та, бош саҳифани ўзгартириш (дефейс) жиноятлари – 225 та, давлат органларининг расмий сайтларига бўлган ҳужумлар – 29 та, фишинг жиноятлари – 2та. Бу кўрсаткичлар 2017 йилдагига нисбатан ўртача 95%га ошган.

Маълумотлар таҳлилига назар ташласак, ЖК 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан 2010 йилда 133, 2011 йилда 157, 2012 йилда 242, 2013 йилда 247, 2014 йилда 168, 2015 йилда 115, 2016 йилда 169, 2017 йилда 91 нафар шахс айбдор деб топилган.

Худди шунингдек, ЖК 168-моддаси 2-қисми “г” бўйича 2017 йилда 16 нафар, ЖК 169-моддаси 3-қисми “б” банди бўйича 2017 йилда 4 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. ЖКнинг 278<sup>1</sup> - 278<sup>6</sup>-моддалари бўйича эса, 2016 йилда 73та (жумладан, энг кўп жиноятлар Тошкент шаҳрида 40 та, Навоий вилоятида 17 та, Наманган вилоятида 8 та) жиноят иши, 2017 йилда

---

<sup>28</sup> Анорбоев А.У. Киберҳужум орқали ўзгалар мол-мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий ҳолати. // Илмий мақола, Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали, №9. 2019, 51-бет.

40 та (жумладан, энг кўп жиноятлар Тошкент шаҳрида 28 та) жиноят иши кўзғатилган<sup>29</sup>.

Бу борада илмий изланиш олиб борган А.Анорбоев ўзининг диссертациясида ўзгалар мулкани компьютер воситасидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларни ЖК ХХ<sup>1</sup>-бобга алоҳида банд сифатида қўшишни таклиф этган. Лекин ушбу таклифга қўшилиш биров қийин. Сабаби 167–169-моддалар объектига кўра иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига киради ва уларни асосий объекти мулкый характер касб этади. 278<sup>1</sup>–278<sup>7</sup>-моддалар объекти эса асосан компьютер ахбороти ҳисобланади. Бу тўғрисида Ҳ.Очилов ҳам ўз тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси ЖКга ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи алоҳида модда киритилиши заруратини асослаган<sup>30</sup>. Бизнинг фикримизча, ўзгалар мулкани компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-тарож йўли билан эгаллаш жиноятнинг предмети асосан электрон кўринишдаги пул маблағи (нақд бўлмаган пул)да ва ушбу нақд бўлмаган пул маблағларининг алоҳида маълумот кўринишида ҳисоб рақамларда ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган пластик карточкаларда эканлиги, жиноят виртуал кибермуҳитда содир этилиши боис, айбдорларнинг кўп ҳолларда маълум вақтгача аниқланмаслиги кабилар ЖКнинг 167-қисм 3-қисм “г” банди, 168-модда 2-қисм “в” банди, 169-модда 3-қисм “б” бандларини бирлаштириб алоҳида моддада жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда юқорида санаб ўтилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлилини назарий жиҳатдан кўриб чиқдик. Ушбу тоифадаги жиноятларнинг кибержиноятчилар

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Олий суди маълумотларидан, 2018 йил.

<sup>30</sup> Очилов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати., Тошкент, 2017, 13-бет.

томонидан нима мақсадда ва қандай тартибда содир этилганлигини амалиётдан олинган материаллар орқали ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаммамизга маълумки, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг энг хавfli жиноятлари туркумига киради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278<sup>1</sup>-моддаси “Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” деб номланади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Қодирий кўчаси 5-уй 22-хонадонда ўтказилган тезкор тадбир давомида М.Улуғбек тумани Х.Олимжон кўчаси 26-уй 71-хонадонда яшовчи С.таниши В. Билан олдиндан тил бириктириб, алоқа ва ахборотлаштириш қоидаларини бузиб, GSM-шлюзларини ўрнатиб, 2014 йил декабрдан 2015 йил 31 декабрга қадар ноқонуний равишда аҳолига интернет тармоғи орқали халқаро алоқа хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан 2016 йилнинг 8 январь куни ЖКнинг 278<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан жинот иши қўзғатилган.

Ушбу жиноятнинг бошқа жиноят турларидан асосий фарқи, унинг бевосита компьютер воситаси орқали виртуал оламда содир этилишидир. Мазкур жиноятда айбланубчи С. ва В. компьютер ахборотидан ноқонуний (ахборот тизими мулкдори ёки қонуний эгасининг рухсатисиз) фойдаланиши натижасида ахборотлаштириш қоидалари бузилган.

Мирзо Улуғбек туманида ИИБга тушган хабарга кўра, 7-ШИИБ худудига қарашли, 1994 йилда туғилган, Фарғона вилояти, Марғилон тумани Истиклол кўчаси 1-уй 11-хонадонда яшовчи В.билан олиб борилган тергов жараёнида аниқланишича, у 2014 йил 29 май куни соат 15:00 дан, 2017 йил 4 июнь куни соат 16:00 гача вақт оралиғида, электрон ҳисоблаш машиналари тармоқлари ишини бузиш учун “Узинфоком” МЧЖнинг М.нинг номида бўлган “91.212.89.172-сонли IP-манзил”дан ва А.нинг номида бўлган “91.212.89.233-сонли IP-манзил”дан “Саркор телеком” МЧЖни “81.95.225.163-сонли IP-манзил” даги серверига “dos-хужум” ўтказган. Ушбу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ТБ бўлим

ходимлари томонидан 2014 йилнинг 08 сентябрь куни ЖКнинг 278<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов жараёнида қўшимча ЖКнинг 278<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми “б” банди билан жиноят аниқланган.

Компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш деб машина манбаларидаги ёки ЭҲМдаги маълумотлар билан шахснинг тегишли ҳуқуқсиз, яъни ахборот мулкдорининг рухсатсиз ёки бундай рухсат мавжуд бўлганда, тизимда белгиланган рухсатни тартибга солиш қоидаларини бузиб танишиши эътироф этилиши лозим. Мазкур жиноятда ҳам айбланувчилар IP-манзилни аниқлаб олиш орқали шахсий зарар етказиш мақсадида фойдаланувчининг серверига ҳужум уюштирган. Кўриб турганимиздек, жиноятнинг бошланиш вақтидан 3 йил ўтибгина, жиноят фош этилган.

Яшнобод туманида 2016 йил 30 сентябрь куни фуқаро Т.ўзи истиқомат қилувчи Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Тузель-2 мавзеси, 23-уй, 45-хонадонда ҳамда ижарага олган Яшнобод тумани, Авиасозлар-2 мавзеси, 16-уй, 8-хонадонда “GSM” шлюзларини ўрнатиб, улардан 2016 йилнинг май ойидан 2017 йил феврал ойигача қонунга ҳилоф равишда фойдаланиб келаётганлиги аниқланиб, мазкур хонадонлардан хорижда ишлаб чиқарилган 14 дона 8 каналли “GSM-шлюз”, 1 дона “MATCH” русумли компьютер процессори, 1 дона “ASPIRE” E-15 русумли ноутбук, 1 дона “TP LINK” русумли ХАБ, 1 дона “MERKURIY” русумли ХАБ, 3 дона “TP LINK” русумли модем, 14 дона озуқа манбаи (блок питание) далилий ашё сифатида олинган.

Терговолди суриштирув даврида Т.га интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда IP телефон тармоғини ташкил этиш орқали чет давлатлар билан алоқаларни улаб бериш ва турли ахборотларни юбориш имкониятини берувчи мазкур қурилмаларни унинг таниши С.юборганлиги аниқланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга доир

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 458-сонли қарорига асосан тегишли лицензиялар асосида ўз фаолиятини амалга оширувчи операторлар ва провайдерлар, фақат “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси техник воситалари орқали телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларига чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатда мазкур қарор талаблари четлаб ўтилган. Мазкур ҳолат юзасидан 2017 йил 15 февраль куни Тошкент шаҳар ИИББ ТБ томонидан Т.га нисбатан ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Ҳимояланган компьютер тизими ёки тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастур ёки аппарат воситаларини ўтказиш ёхуд шу мақсадни кўзлаб тайёрлаш ва тарқатишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бундай турдаги жиноятларни ҳаттоки махсус билимларга эга бўлмаган ҳар қандай фойдаланувчи ҳам содир этиши мумкин.

Шу ўринда ЖК ХХ<sup>1</sup>-бўлимини такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазаларни баён этиш зарур, деб ўйлаймиз. Хусусан, ЖК 278<sup>2</sup>-моддаси диспозициясида ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлар – бу ички ва ташқи жамғарчичлар, компьютер хотираси, периферия қурилмалари хотирасидаги ахборот ҳамда алоқа каналлари орқали ўтувчи ахборотлардир<sup>31</sup>. Электрон ҳисоблаш машинаси бу ахборотни қайта ишлашни автоматлаштириш учун мўлжалланган қурилма ёки қурилмалар мажмуи. Электрон ҳисоблаш машиналари мураккаб ва такрорланадиган вазифаларни тезда, аниқ ва

---

<sup>31</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. V том. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. – Тошкент.: «ILM ZIYO», 2011. 187-б.

сифатли бажариши ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни тезда сақлаши ва ўқиши мумкин<sup>32</sup>. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, компьютер атамаси электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) атамасини амалда сиқиб чиқарди<sup>33</sup>. Замонавий рақамли компьютерлар ёрдамида электрон ҳисоблаш машиналарининг функция ва вазифалари ортиғи билан бажарилмоқда ва ушбу ҳисоблаш машиналаридан деярли ҳеч ким фойдаланмаяпти. Демак ушбу ахборот жамиятидаги ривожланишни ҳисобга олиб “электрон ҳисоблаш машиналари” атамасини қўллаш ноўрин деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия этилади:

*(биринчи қисм)* Компьютер ахборотидан, яъни **компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек кириш кодлари, компьютер пароллари ва маълумотларга ноқонуний эгалик қилиш** агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, **компьютер техникаси, унинг тизими ёки тармоқлари** ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278<sup>5</sup>-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

*(биринчи қисм)* Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, **компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасддан йўқ қилиб юбориш**, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) —

Юқорида биз Жиноят кодексининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жаборгарлик назарда тутилган моддалар

---

<sup>32</sup> Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2010. 304-б.

<sup>33</sup> Ғаниев С.К., Ғаниев А.А. Электрон ҳисоблаш машиналари ва тармоқлари. Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т.: «ИЛМ ЗИЙО», 2016. — 57-б.

асосида тўпланган амалиёт материаллари билан танишдик. Лекин ЖКнинг ХХ<sup>1</sup>-боби кибержиноятларнинг тўлиқ таркибини қамраб олмайди. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, халқаро доирада тан олинган конвенциялардаги тавсиялар ва бугунги глобал жараёнлардаги ахборот хуружларини таҳлил қилган ҳолда, ЖКда айрим турдаги кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, компьютер технологияларининг ривожланиши ва глобал ахборот тизимларининг пайдо бўлиши иқтисодий афзалликларга қўшимча равишда, жамиятнинг ижтимоий фаровонлигига таҳдид соладиган муаммоларни келтириб чиқарди. Деярли барча ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ахборот технологиялари воситасида содир этилиши мумкин бўлди. Жиноят кодексининг 130-моддаси порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик белгилайди. Айниқса бугунги кунда жиноятчиликнинг ушбу тури ахборот-коммуникациялар технологиялари орқали Интернетда порнографик материалларни тарқатиш каби характерга эга бўлиб бормоқда, чунки бу материаллар Интернет фойдаланувчилари орасида талабга эга бўлиб, уларни ишлаб чиқарадиган, реклама қиладиган ва тарқатадиганларга катта моддий даромад келтиради.

Халқаро ва минтақавий даражада болалар порнографияси билан боғлиқ ҳаракатларни криминаллаштириш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган тўққизта хужжат мавжуд<sup>34</sup>. Шунингдек, давлатлар ўртасида ўтказилган сўровномага жавоб берган респодентларнинг 80 % дан кўпроғи вояга етмаганлар порнографиясининг жиноий хатти-ҳаракат эканлигини таъкидладилар. Хорижий давлатлар мисолида оладиган бўлсак, Дания қироллигининг Жиноят кодекси 235-моддасига асосан компьютер технологиялари воситасида болалар порнографиясини тарқатиш жиноий

---

<sup>34</sup> Draft African Union Convention, Art. III-29 to III-32; Commonwealth Model Law, Art. 10; Council of Europe Cybercrime Convention, Art. 9; Council of Europe Child Protection Convention, Art. 20; ECOWAS Draft Directive, Arts. 14-17; EU Directive on Child Exploitation, Art. 5; ITU/CARICOM/CTU Model Legislative Texts, Art. 13; League of Arab States Convention, Art. 12; United Nations OP-CRC-SC, Art. 3.



жавобгарликка сабаб бўлади<sup>35</sup>. МДХ мамлакатларидан бири Украинанинг Жиноят кодекси 301-моддасида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ва ушбу ҳаракатлар порнографик тусдаги компьютер дастурлари орқали содир этилиши жавобгарликни кучайтиради<sup>36</sup>.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 130-моддасини қуйидаги тўртинчи қисм билан тўлдириш тавсия этилади:

**(тўртинчи қисм) компьютер воситаси, унинг тизими ёки тармоғида жойлаштириш ва тарқатиш мақсадида вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни ёки порнографик тусдаги дастурларни яратиш, тарқатиш, олиб кириш, реклама қилиш шундай маҳсулотни компьютер тизими ёки тармоғида жойлаштириш учун таклиф этиш ёки тақдим этиш –**

Глобал тармоққа уланиш, маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштириш ва масофадан киришдан фойдаланган ҳолда операцияларни ишлаб чиқиш компьютер тизимлари орқали идентификацияланган маълумот ёки шахсий маълумотларни ўғирлаш имкониятларининг кенгайишига олиб келди. Бундай жиноятларнинг предмети ҳам доимий фойдаланиб келинадиган идентификация қилувчи маълумотлар, ҳам янги идентификация қилувчи маълумотлар, шу жумладан кредит карта рақамлари, банк ҳисобварағи маълумотлари, паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаси рақамлари, Интернетдаги ҳисоблар, пароллар ва IP-манзиллардир. Бу тоифадаги ахборотлар баъзида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ҳам ташкил этиши мумкин. Айнан шахсга доир ушбу маълумотларни жиноят объекти сифатида ЖКнинг 141<sup>1</sup> ва 141<sup>2</sup>-моддаларининг диспозициясида кўришимиз мумкин. Шахсга доир маълумотлар асосан

---

<sup>35</sup> Уголовный кодекс Дании. – М.: МГУ, 2001 // [https://www.studmed.ru/ugolovnyy-kodeks-danii\\_5f17f45608f.html](https://www.studmed.ru/ugolovnyy-kodeks-danii_5f17f45608f.html)

<sup>36</sup> Официальное издание. Уголовный кодекс Украины (на укр. яз.). - Відомості Верховної Ради України, 2001. - № 25 – 26. - Ст.131.

электрон ва рақамли платформаларда сақланиши ахборот хавфсизлигига доимий равишда эътиборни ошириб боради. Шундай экан шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф тарзда тўплаш, тарқатиш, фойдаланиш, эгасизлантириш каби ижтимоий хавфли ҳаракатлар интернет тармоғи ва ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилиши мумкинлигини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмини ва 141<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия этилади:

*(биринчи қисм)* шахсинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, **шунингдек шахсий зарар етказиш мақсадида шахсни таъқиб қилиш, таҳдид қилиш, ҳақорат қилиш ва ушбу ҳаракатлар шахсинг руҳий ва жисмоний ҳолатининг бузилишига сабаб бўлса**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

Ўша ҳаракатлар:

а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;

б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;

в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) **компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса**, —

Шунингдек, Жиноят кодекси 141<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми қуйидаги “е” банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

е) **компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса**, —

Кибержиноятлар муаммолари компьютер технологияларидан фойдаланувчилар сони бўйича давлатлар рейтингида қандай бўлишидан қатъий назар, глобал Интернет фойдаланувчилар бўлган барча давлатларни

камраб олади. Бугунги кунда терроризм содир этиш, унга жалб қилишнинг замонавий шаклларида бири **кибертерроризм** ҳисобланади<sup>37</sup>. Бироқ, ушбу турдаги жиноий ҳаракатларга қарши курашиш жуда қийин. Бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

*биринчидан*, кибертерроризм тушунчасига ягона ва кўпгина давлатлар томонидан қабул қилинган яқдил таъриф мавжуд эмас<sup>38</sup>;

*иккинчидан*, жамият ва давлатнинг ахборот технологияларига қанчалик боғлиқлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Компютер технологиясидан инсон ҳаёти ва фаолиятининг деярли барча соҳаларида фойдаланилади. Ҳақиқий ҳаётда жиноят содир етган оддий террорчи кўплаб одамлар учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Аммо кибермуҳитда фаолият юритаётган террорчи хавфсиз жойда бўла туриб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамларнинг ҳаётини олиши мумкин. Масалан, атом ёки гидроелектр стансиясини бошқаришга кириш натижасида<sup>39</sup>.

Шу муносабат билан, энг муҳим вазифа тинч аҳолининг хавфсизлиги ва турмуш тарзига таъсир кўрсатадиган соҳаларда хавфсизликни таъминлашдир. Аввало, кибертерроризмга қарши курашнинг қонунчилик асоси бўлиши зарур. Бу кибер жиноятчиликка қарши курашда муҳим мавқега эга бўлиши керак. Мамлакатимизда бундай қилмишга қарши кураш тизимини такомиллаштириш мақсадида терроризм ҳаракатларини компютер техникаси воситасида содир этиш учун ЖКнинг 155-моддасида жавобгарлик белгилаш ва буни “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу модданинг **иккинчи қисмини кибертерроризм, яъни компютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш,**

---

<sup>37</sup> Мазуров В.А..Кибертерроризм: понятие, проблемы противодействия. // Доклады ТУСУРа № 1 (21), часть 1, июнь 2010. – С. 41-45.

<sup>38</sup> Е.А. Кошечкина, С.В.Новиков., К вопросу о проблемах законодательства в сфере кибертерроризма. – Омский научный вестник.: Серия “Общества. История. Современность” № 4, 2017.

<sup>39</sup> Иранские хакеры взломали компьютеры ГЭС под НьюЙорком // Русская служба BBC. URL: [http://www.bbc.com/russian/news/2015/12/151218\\_iran\\_hackers\\_us\\_dam/](http://www.bbc.com/russian/news/2015/12/151218_iran_hackers_us_dam/) (дата обращения: 28.10.2016).

**шунингдек террорчилик ҳаракатларига одамларни жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш банди билан тўлдириш таклиф этилади.**

Шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётида электрон тижорат, электрон ҳужжат айланмаси ва электрон рақамли имзолардан фойдаланиш каби янги муносабатларни кириб келиши кенгаймоқда. 2020 йилда корхоналар электрон ҳисобварақ-фактура ва электрон меҳнат дафтарчасидан фойдаланишни бошлашди<sup>40</sup>. Ўзбекистонда ҳозирга қадар ЭРИдан фойдаланиш билан боғлиқ овозаси кетган маъмурий ва жиноят ишлари бўлмаган. Буни экспертлардан бирлари ЭРИ биз учун хануз янги ходиса эканлиги, бошқалари эса – молия-хўжалик фаолиятини текширишга ниҳоясига етган икки йиллик мораторий билан тушунтиришади. Бошқаларининг фикрига кўра, бундай ишлар ҳозирча шунчаки ОАВ назар доирасига тушмаган. Бу борадаги тартибни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли амалдаги Жиноят кодексига “электрон тижорат”, “электрон ҳужжат айланмаси” ва “электрон рақамли имзолардан фойдаланиш” тартибига қарши жиноятларни назарда тутувчи нормаларни киритиш ҳамда ЖКнинг 228-моддасидаги расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш жинояти диспозицияси ва 8-бўлимида берилган расмий ҳужжатлар таърифига “электрон ҳужжатлар”, “уларнинг электрон шакллари” бандини қўшиш лозим.

Кибержиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ва назарда тутилмаган жиноятлар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, ЖКнинг бир қатор моддаларини қайта ишлаб чиқиш лозимлиги аёнлашади.

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4502-сонли қарори (<https://lex.uz/docs/4574228>).

## II БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 2.1. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий қонунчилик ва кибержиноятчиликни олдини олиш тизимини такомиллаштириш чоралари.

Жамиятда кишилар ўртасидаги ҳар қандай ижтимоий муносабатлар тобора ривожланиши ва соддаланиши натижасида, электрон ахборот, электрон ҳукумат, бир сўз билан айтганда “компьютерлашаётган жамият”нинг дастлабки илдизлари кўрина бошлади. Бу ўзгаришларнинг ижобий ва мақсадли эканлиги бизни қувонтира-да, жараён қанчалик тезлашгани сайин шунчалик кўп ахборот хавфсизлиги масаласи мураккаблашмоқда. Зеро, тўрт аср аввал машҳур инглиз файласуфи Френсис Бекон томонидан айтилган “Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади”, деган сўзлар янгича мазмун касб этмоқда<sup>41</sup>. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўз мулкига, тижорат сирига, шахсий маълумотлар базасига, ёинки номоддий неъматларига доир ахборотлар муҳофазаси кечаги кундан кўра янада долзарброқ ва давлат дастури даражасига кўтарилганлиги эътиборга лойиқ.

Юқоридаги фикримизнинг тасдиғи сифатида жорий йилнинг 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармонига илова сифатида Давлат дастурини<sup>42</sup> келтиришимиз мумкин. Ушбу давлат дастури асосида

---

<sup>41</sup> Г.И.Хотинская, Е.Черменева. Модели раскрытия финансовой информации: эволюция и современность // Науч.стат.: Финансовый вестник: Финансы, налоги, страхование, бухгалтерский учет, 2015, №3, Ст 10-17.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони. (<https://lex.uz/docs/4751561>)

киберхавфсизликка маъсул бўлган идоралар, жумладан, ДХХ, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, ИИБ, Мудофаа вазирлиги ва бошқа бир қанча ташкилотларга миллий кибермаконда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш, киберхавфсизликнинг ягона тизими ва муҳим ҳисобланган инфратузилмани киберхужумлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий базани шакллантириш, мамлакатда киберхавфсизлик борасида амалга оширилаётган чораларни кучайтириш вазифалари юклатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамизда ахборот технологиялари соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш юзасидан юқорида санаб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда, махсус ваколатли органлар ва хизматлар ҳам ташкил этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс дастурга мувофиқ, 2013 йилда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қошида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази этиб қайта ташкил этилди<sup>43</sup>. Вазирлар Маҳкамасининг

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон қарори.// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г, №35, ст.924.

2017 йил 17 октябрдаги 838-сон “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>44</sup> билан мазкур марказнинг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари белгиланди.

Унга кўра Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилар:

1) ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларини олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни оператив қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

3) интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

4) давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг, шунингдек Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

5) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ва бошқалар.

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 838-сонли қарори, 2017 йил 17 октябрь (<https://lex.uz/docs/3383538>).

Бу соҳадаги ишлар республикамизда тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Амалга оширилган яна бир муҳим ислохотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сон “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳисобланади<sup>45</sup>. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий контентни яратиш ва ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, веб-ресурслар ва миллий контентни ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароит ва иқтисодий рағбатлар яратиш, унга боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш каби вазифалар юклатилган.

Бундан ташқари мамлакатимизда молиявий фирибгарлик йўли билан банк пластик карточкаларига ҳужумларнинг сони ортиб бориши натижасида, Ўзбекистон Марказий банкида кибержиноятчиликка қарши кураш лабораторияси ташкил этилди<sup>46</sup>. Марказий банк раҳбари ушбу тизимнинг жорий этишда ахборот хавфсизлигига алоҳида диққат қаратиш лозимлигини тан олди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Марказий банки Россия банкининг кредит-молия соҳасида компьютер ҳужумлари мониторинги ва бошқарув маркази — ФинCERT билан ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу лаборатория эҳтимолий ҳужумларга барҳам бериш ва фуқаролар ҳисобига тушаётган пул маблағларини ҳам кузатиб боради.

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сон “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 33-сон, 858-модда.

<sup>46</sup> <https://daryo.uz/k/2019/05/04/uzbekiston-markaziy-bankida-kiberjinoatlarga-qarshi-kurash-laboratoriyasi-ochildi/>



Тан олиш керакки, гарчи мамлакатимизда кибермаконда содир этиладиган ҳужумларга қарши курашадиган умумий ва махсус органлар ташкил этилган бўлса-да, кибержиноятчиликка оид назарий ва амалий муаммолар ҳали ҳамон мавжуд. Хусусан, ҲМҚО кун сайин янги турдаги кибержиноятларга қарши курашишда ташкилий-техник, ҳуқуқий ва операцион муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан **техник муаммолар** қуйидагилар:

– **атрибуция**, яъни интернет тармоғига уланган компьютер воситасидан фойдаланиб содир этилган кибержиноятни IP-адресни ўзгартириш ёки йўқ қилиш орқали айбни бошқа интернет фойдаланувчиси манзилига қаратиш<sup>47</sup>;

– **“Darknet”, “Dark web”, “Deep web”** сайтларининг мавжудлиги, яъни ноқонуний равишда хавфсиз онлайн режимини таъминлашдир. (контрабанда, ўкотар қуроллар, кредит карта рақамлари, ноқонуний порнография ва қонунга хилоф бошқа хизматларни сотиб олиш ёки сотиш мақсадида)

– дастурий таъминотнинг заифлиги, яъни нотўғри конфигурациялаш орқали жиноятчиларга ўз мақсадларини амалга оширишга йўл бериш;

– ИТ-инфраструктурасининг виртуализация қилинганлиги.

Кибержиноятчиларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортишда қуйидаги асосий **ҳуқуқий муаммолар** мавжуд:

- турли ҳуқуқий тизимлар;
- давлатлараролиги (трансмиллий жиноят);
- миллий кибержиноятчилик қонунчилигидаги фарқлар<sup>48</sup>;
- далиллар ва жиний суд ишларини юритиш қоидаларидаги фарқлар;

---

<sup>47</sup> Киберпреступность. Модуль 1. Введение в киберпреступность. // Образование во имя правосудия серия университетских модулей. // Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

<sup>48</sup> Киберпреступность. Модуль 9. Серии модулей по киберпреступности: «Кибербезопасность и предупреждение киберпреступности: практические методы и меры». // Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

– кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича минтақавий ва кўп томонлама шартномаларнинг кўлами ва географик қўлланилишидаги фарқлар;

– ижтимоий тармоқларнинг расмий вакиллари билан тўғридан-тўғри алоқанинг йўқлиги (Telegram, Facebook, Instagram, Whatsapp, Twitter, Youtube)<sup>49</sup>.

Шунингдек, кибержиноятларни тергов қилишда асосий **операцион масалаларидан** бири бу бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишдир. Ушбу турдаги жиноятлар бўйича тергов соҳасидаги халқаро ҳамжамият ҳамкорлик қилаётган мамлакатларда қонун ҳужжатларни уйғунлаштиришни талаб қилади. Юридик ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро йўриқномани юбориш ва бажариш жараёни тезкор маълумот олишга ва киберхавфсизлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга имкон бермайди. Ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилиш кўп вақт талаб қилиши ва бу жиноятни олдини олиш ёки судда фойдаланиш учун далилларни тақдим этиш каби мақбул натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Операцион қийинчиликлар кибержиноятчиликка қарши курашиш учун зарур бўлган миллий имкониятларнинг етишмаслигидан келиб чиқади (айниқса ривожланаётган мамлакатларда).

Шу ўринда кибержиноятларга қарши курашишдаги муаммоларнинг ечимига тўхталиб ўтадиган бўлсак, аввало умумий жиноятларга қарши курашадиган аъзо мамлакатлар ҲМҚО ларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб турадиган Халқаро жиноят полицияси ташкилоти – **Интерпол**, Европа Иттифоқининг Полиция хизмати – **Европол**<sup>50</sup>, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси** каби нуфузли

---

<sup>49</sup> Темиралиев Т.С., Омаров Е.А. Проблемы противодействия преступлениям, совершенным с применением информационных систем, и пути их решения// Вестник Института законодательства РК №1 (55) – 2019

<sup>50</sup> Europol. (2018). Internet Organised Crime Threat Assessment 2018. <https://www.europol.europa.eu/activities-services/main-reports/internet-organisedcrime-threat-assessment-iocta-2018>.

ташкilotларнинг ўз веб-сайтларида доимий равишда бериб борадиган тавсиялари ва соҳадаги етук мутахассислар фикрлари асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– телекоммуникация тармоқларида тезкор ва техник фаолият учун мўлжалланган янги дастурий ва аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишларни давом эттириш;

– телекоммуникация ва компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларга қарши курашда бўлинмаларни янада ихтисослаштириш<sup>51</sup>, уларни ғайриоддий функциялардан озод қилиш, хусусан, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларни аниқлашни таъминлаш;

– янги турдаги кибержиноятларни миллий жиной қонунчиликка киритиш, улар учун жавобгарлик белгилаш, қонун чиқарувчи томонидан доимий тушунтиришлар бериш;

– мамлакатда киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқиш, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқиш.

Шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида 2001 йил 23 ноябрда Будапештда имзоланган “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Европа конвенцияси<sup>52</sup> кибержиноятчиликка қарши курашда юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини ва қуйидаги учта асосий тавсияларни таъкидлайди:

**биринчидан**, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг жиной-ҳуқуқий масалалари (криминализация);

**иккинчидан**, компьютер жиноятларини тергов қилишда далилларни тўплашга қаратилган жиной-процессуал жиҳатлар;

**учинчидан**, халқаро ҳамкорлик масалалари: ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, экстрадиция, мусодара ва бошқалар.

---

<sup>51</sup> Киберпреступность. Модуль 9. Серии модулей по киберпреступности: «Кибербезопасность и предупреждение киберпреступности: практические методы и меры». // Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

<sup>52</sup> Европейская Конвенция по киберпреступлениям (преступлениям в киберпространстве). Будапешт, 23 ноября 2001 года.// <https://www.un.org/ru/sections/general/documents/index.html>

Айтиш жоизки, минтақавий Европа конвенцияси халқаро ҳамкорликнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилувчи улкан халқаро воситалардан бирига айланди. Ўзбекистон бу конвенцияни ратификация қилмаган, сабаби муҳокама ва келишмовчиликнинг асосий мавзуси бошқа томоннинг розилигисиз ўз ҳудудида компютер тизими орқали бошқа томон ҳудудида жойлашган компютер маълумотларига кириш ҳуқуқини берувчи Конвенсиянинг 32-моддаси талабидир. Марказий Осиё давлатлари ҳудудида халқаро топшириқлар Минск ва Кишинев конвенсиялари орқали амалга оширилиб келинмоқда. Лекин, фикримча мамлакатимиз тобора кенгайиб бораётган, макон ва замон танламайдиган кибержиноятларга қарши самарали курашиш йўлида ушбу конвенцияни 32-моддасини рад қилган ҳолда, қўшимча келишув (оговорка) асосида ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, “рақамли иқтисодиёт” ва “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш жараёнида иновацион ресурсларни яратиш билан бир қаторда, ахборот хавфсизлиги, кибермаконда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишда ташкилий-техник, операцион ва энг аввало ҳуқуқий механизмларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

## **2.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликнинг нормаларининг таҳлили**

Замонавий дунё динамик глобал жараёнлар ва халқаро муносабатлар тизимининг ўзгариши билан ажралиб туради. Давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий позицияларини интеграциялаш ва мустаҳкамлаш шароитида кўп томонлама бошқарув механизмлари такомиллаштирилмоқда, унда ахборот омиллари ортиб боровчи рол ўйнамоқда. Кибержиноятчиликка қарши курашнинг аҳамиятига қарамай, аксарият мамлакатлар қонунчилиги бу соҳада яққол зиддиятларга ега. Таъкидлаш лозимки, миллий Қонунчилик даражасида кибержиноятга қарши курашиш умуман жиноятчиликка қарши курашнинг бир қисми сифатида қаралади.

Кўпчилик мамлакатларда компьютер жиноятларига қарши курашиш масалаларининг ҳуқуқий пойдевори яратилган бўлишига қарамай, ҳозирги даврдаги ахборот муҳити ҳар бир мамлакатнинг бу қонунчилик тизимини қайта кўриб чиқишини талаб этмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларида, жумладан Интерпол аъзоларининг 60% кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қабул қилинган қонунларга эга эмас<sup>53</sup>.

Мазкур ҳолатни халқаро миқёсда танишиб чиқадиган бўлсак, айнан киберҳужумлар оқибатида қилинган жиноятларнинг энг кўп сони жами аҳолига нисбатан 2016 йилда Хитойда 52%, Россияда 71,3%, АҚШда 88,5%, Японияда 91,1% ташкил қилган ва мазкур йилда Хитойнинг 721 млн. аҳолиси киберҳужумларнинг жабрланувчисига айланишган<sup>54</sup>. Шу сабабли ҳам бугунги кунда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси кўпчилик моддаси айнан мазкур киберҳужумлардан ҳимояланиш юзасидан қайта ишлаб чиқилган бўлиб, жумладан, 1997 йилда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси 246-моддасига ўзгариш киритилган

---

<sup>53</sup> Правовые аспекты борьбы с кибернетическими преступлениями в ЕС // Борьба с преступностью зарубежом. – 2018, №2. – С.37.

<sup>54</sup> Дремлюга Р.И., Коробеев А.И., Федоров А.В. Кибертерроризм в Китае: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Всероссийский криминологический журнал. 2017.Т. 11, №3, Ст.608.

бўлса, 287а-модда “Ахборот тармоқлари орқали жиноятни содир этишга кўмаклашиш” моддаси қўшимча модда сифатида, 1997 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексида эса, 286-модда “ахборотни бузиш, компьютер тизимларининг бузилиши ва тарқалиши” мазмунидаги модда киритилиб, шундан сўнг компьютер тизимларининг бузилиши, вирусларни тарқатганлик учун, шунингдек Интернет орқали ахборот хавфсизлигини бузувчи амалларни бажарганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, ахборот тармоқлари орқали террористик фаолиятни олиб борганлик учун жиноий жавобгарлик илк марта Хитой жиноят қонунчилигига киритилган.

**АҚШ** жиноят қонунчилигида ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари орқали жосуслик, ўзгалар ахборот технологиялари ва коммуникацияларига рухсатсиз кириш, қасдан химояланган ахборот технологиялари воситаларига киберхужум орқали шикаст етказиш, зарар келтириш, ўғрилиқ қилиш, таҳдид қилиш, талончилик, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш ва бошқа шу каби жиноятлар белгилаб қўйилган бўлса, кибержиноятчилар учун жарима ва қамоқ жазолари тайинланишлиги аниқ жиноят қонунчилигида кўрсатиб қўйилган. Қолаверса, АҚШ Конгресси кибержиноятчиларга қарши қаятий жазо чораларини ва уларнинг ижтимоий хавф-хатарларини бошқа жиноятлар билан фарқловчи, алоҳида жиноят сифатида кўрсатувчи янги қонун “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш чорасини кўриб чиқди ва ушбу қонун ҳозирда қабул қилинган.

Ахборот ва ахборот технологиясидан жиноят мақсадида фойдаланиш муаммоси борган сари барча давлатларни ташвишга солмоқда. Компьютер ва электрон тармоқлардан, коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва тарқатиш шундай жиноятларга сабаб бўлувчи хавф ва зарар кўламини кучайтиради<sup>55</sup>. Шундай хавф ва зарар миқдори, унинг ижтимоий хавфлилик

---

<sup>55</sup> Р.А. Каламқарян, Ю.И.Мигачев. Международное право: Учебник – М.: Эксмо, 2004. – С.426.

даражаси кун сайин ортиб, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти олдидаги катта глобал муаммолардан бирига айланмоқда. Кибержиноятчиликка қарши курашга оид ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ахборотлаштириш ва компьютер жиноятлари соҳасида қабул қилинган биринчи норматив ҳужжат 1978 йилда АҚШнинг Флорида ва Аризона штатларида қабул қилинган “Компьютер жиноятлари тўғрисида”ги акти<sup>56</sup> ҳисобланади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фақатгина, компьютер жиноятларига нисбатан жинойий жавобгарликни белгиловчи биринчи қонун бўлиб қолмасдан, балки жиноятчилик соҳасида янги давр – кибержиноятчиликнинг бошланиши ҳақидаги биринчи ишора ҳам эди.

Жумладан, АҚШ интернет орқали товарлар, хизматлар, капитал ва маълумотларни эркин ҳаракат қилиш имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш учун 2006 йилда АҚШ Европа Кенгашининг кибержиноятчилик тўғрисидаги Конвенциясини (Будапешт Конвенцияси) ратификация қилди (бундан буён матнда – Конвенция), уни маъқуллаган 16-давлат бўлди<sup>57</sup>.

Конвенцияга биноан АҚШ халқаро жараёнларни қўллаб-қувватлади. Кибержиноятларга қарши курашиш соҳасидаги процессуал қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, шу жумладан “Кучли еттилик” мамлакатлари орасида ахборот тўплаш ва алмашиш саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун норасмий канал яратишни таклиф қилди. Бундан ташқари, АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари кибержиноятчиларни ҳибсга олиш ва экстрадиция қилишда кўплаб ҳамкор давлатлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2009 йилдан бошлаб АҚШ Конгрессининг ҳар бир сессиясида киберхавфсизликка қарши курашишга қаратилган бир неча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди, бироқ улардан фақат бир нечтаси ҳар икки фракциянинг кўмагини олди ва қонунларга айланди.

---

<sup>56</sup> F.L. Computer Crimes Act tit. XLVI Chapter 815 (1978) on-line [http://www.flsenate.gov/Statutes/index.cfm?App\\_mode=Display\\_Statute&URL=Ch0815.htm](http://www.flsenate.gov/Statutes/index.cfm?App_mode=Display_Statute&URL=Ch0815.htm) cited April.

<sup>57</sup> Конвенция о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных (Страсбург, 1981 г.). Доступ из справ. правовой системы «КосультантПлюс».

Улардан бири 2015 йилдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги актдир. (The Cybersecurity Act of 2015)<sup>58</sup>. Ушбу акт давлат органлари, шунингдек, улар ва ушбу дастурда иштирок этиш учун ихтиёрий розилигини билдирган бизнес ташкилотлари ўртасида кибер таҳдидлар ҳақида маълумот алмашишни тартибга солади. Таъкидлаш керакки, 2010 йилдан Америка Қўшма Штатларида Кибер ҳодисаларга жавоб бериш бўйича миллий режа (The National Cyber Incident Response Plan — NCIRP)ни ишлаб чиқиладиган бошланган ва ушбу режа ҳар йил бошида даврий мақсадларга мослаштирилади. Кибер ҳодисаларга жавоб бериш бўйича миллий режани тузувчи ташкилот кибер ҳодисаларга қарши миллий ёндашувни тавсифлайди; хусусий сектор, штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар ва бир нечта федерал агентликлар инцидентларга жавоб беришда қандай рол ўйнашини ва барчанинг ҳаракатлари интеграциялашган жавоб чоралари учун қандай қилиб мос келишини муҳокама қилади<sup>59</sup>. Шундай қилиб ушбу ташкилот миллий даражада турли хил кибер ҳодисалар ҳолатида баъзи ташкилотларнинг роли, мажбуриятлари ва амалга ошириши лозим бўлган процедуралари тўғрисида аниқ тавсиф беради.

**Буюк Британия** қонунчилиги АҚШ ва бошқа кўпчилик давлатлардан фарқ қилган ҳолда компьютер жиноятлари масаласини ягона қонун билан эмас, балки алоҳида-алоҳида қабул қилинган қонун ҳужжатлари орқали кўриб чиқади. Жумладан, 1978 йилда қабул қилинган “Болалар муҳофазаси тўғрисида”ги<sup>60</sup> ва 1956 йилда қабул қилинган “Жинсий жиноятлар тўғрисида”ги<sup>61</sup> қонунларга мувофиқ, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда порнографик тасвирлар (16 ёшгача бўлган болаларда)

---

<sup>58</sup> Jenna McLaughlin, Last-Minute Budget Bill Allows New Privacy-Invasive Surveillance in the Name of Cybersecurity, THE INTERCEPT (Dec. 18, 2015), <https://theintercept.com/2015/12/18/lastminute-budget-bill-allows-new-privacy-invasive-surveillance-in-the-name-of-cybersecurity/>; Mark Jaycox, EFF Opposes Cybersecurity Bill Added to Congressional End of Year Budget Package, EFF (Dec. 18, 2015), <https://www.eff.org/deeplinks/2015/12/statement-finalized-congressionalcybersecurity-bill>.

<sup>59</sup> [https://www.us-cert.gov/sites/default/files/ncirp/National\\_Cyber\\_Incident\\_Response\\_Plan](https://www.us-cert.gov/sites/default/files/ncirp/National_Cyber_Incident_Response_Plan).

<sup>60</sup> Protection of children Act 1978. – First Published 1978, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1999. – 36 p.

<sup>61</sup> [http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1956/69/pdfs/ukpga\\_19560069\\_en](http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1956/69/pdfs/ukpga_19560069_en).



тайёрлаган ва тарқатган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. Шунингдек, 1984 йилда қабул қилинган “Телекоммуникация тўғрисида”ги Акт<sup>62</sup> эса, алоқа тизими, компьютер тизимларини, шу орқали мазкур тизимлардаги компьютер ахборотларини муҳофазаловчи асосий акт бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, Британияда 1990 йилда қабул қилинган “Компьютердан нотўғри фойдаланиш тўғрисида”ги Акт<sup>63</sup> ҳам компьютер жиноятларига нисбатан жавобгарлик белгилайдиган асосий ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Янги қонунлар компьютер хизматини ўғирлаш ёки компьютер фаолиятини тўхтатиш ёхуд компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш каби ҳакерлик оқибатларини кўзда тутди. “Шахсий маълумотлар тўғрисида” (1998 йил)ги акти ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. “Терроризм тўғрисида”ги (2000 йил) Акт<sup>64</sup> эса, компьютердан ноқонуний равишда фойдаланиш, компьютер тармоғи ёки тизимига руҳсатсиз кириш ҳамда компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш орқасидан катта зарар етказилган ёки ўзига террор мақсадини кўзлаган ҳолдаги ҳолатлар учун ўрнатилган. Бундан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлашда, 2000 йил 25 майдаги “Электрон коммуникациялар тўғрисида”ги акт ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Яна бир Европанинг ривожланган мамлакатлари қаторига кирувчи **Франция** Жиноят кодекси<sup>65</sup> орқали санкцияланган компьютер жиноятларини умумий объектига нисбатан 3 та катта туркумга ажратиш мумкин: 1) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этиладиган шахсга қарши қаратилган жиноятлар; 2) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этиладиган мулкка қарши қаратилган жиноятлар; 3) компьютер воситасидан

---

<sup>62</sup> Telecommunications Act 1984. – First Published 1994, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1999. – 65 p.

<sup>63</sup> Computer Misuse Act 1990. – First Published 1994, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1997. – 48 p.

<sup>64</sup> Terrorism Act 2000. – First Published 2000, by The Stationery Office Limited. – London, 2000 – 34 p.

<sup>65</sup> Новый уголовный кодекс Франции / Науч. Ред. Н.Ф.Кузнецова, Э.Ф.Побегайло. – М, 1994. – С.35.

фойдаланиб содир этиладиган миллат, давлат манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар.

ЖК 411-8-моддаси бўйича чет давлат, чет эл корхонаси ёки чет эл назорати остидаги корхона, ташкилотга ёки уларнинг вакиллари ҳисобидан ЭҲМ ёки картотекалар хотирасидаги маълумотлар, ҳужжатлар, ахборотлар, предметлар, методлар, қурилмаларни қўлга олиш ёки етказиш мақсадида хатти-ҳаракатларни амалга оширган шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилади.

Франция ЖК 4-китоби 1-бўлими 3-боби миллий мудофаага бўлган тажовузлар ҳақида бўлиб, унинг “Миллий мудофаа сирларига бўлган тажовузлар”, деб номланган 2-қисмида “ЭҲМ ёки картотекалар хотирасидаги маълумот, ҳужжат, предмет, ахборотлар – ушбу миллий мудофаа учун муҳим бўлган маълумотларни тарқалишини чеклаш мақсадида ҳимоя чоралари объектлари бўлиб, миллий мудофаа сирлари ҳисобланадилар”, деб белгиланган.

Франция жиноят қонунчилиги айрим хорижий мамлакатлар, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидан фарқли равишда фақатгина жисмоний шахслар учун эмас, балки жиноят содир этишда айбдор деб топилган юридик шахслар учун ҳам жиноий жавобгарлик масаласини белгилайди. Хусусан, Франция Жиноят кодекси 121-2, 226-16, 226-17, 226-18, 226-19, 226-20, 226-21 ва 226-23-моддалари, шунингдек, 226-22-модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларда юридик шахслар юридик шахслар жиноят субъекти сифатида қаралиши мумкин.

**Полша Республикасининг** Жиноят кодекси компьютер маълумотлари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган айрим жиноятлар учун жавобгарликни белгилайди. Жиноят кодекси Махсус

кисмининг XXXIII бобидаги 265—269-моддалар ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди<sup>66</sup>.

Унга мувофиқ, мамлакат мудофаасини, алоқа хавфсизлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти учун зарарли бўлган ёки компьютер маълумотларидан фойдаланишнинг мумкин эмаслигига олиб келадиган компьютер маълумотларини ноқонуний йўқ қилиш, шикастлаш, блокировка қилиш ёки ўзгартириш жиноят ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар 6 ойдан 8 ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Польша Республикаси Жиноят кодекси “Мулкка қарши жиноятлар” номли XXXV бўлимида қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган:

– ўзганинг мулкани яширин равишда компьютер дастурлари ёрдамида қасддан ўғирлаш (278-модда 2-қисми);

– телекоммуникациялардан рухсатсиз фойдаланиш натижасида зарар етказиш (285-модда 1-қисми);

– компьютер маълумотларини йўқ қилиш, ўзгартириш, модификациялаш ёки нусхалаш орқали фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиш (287-модда 1-қисм);

– айбдорга тегишли бўлмаган компьютер дастурларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланиш (293-модда).

Яна бир Кавказорти мамлакатларидан бири **Грузия Республикасининг** Жиноят кодекси махсус қисмидаги XXXV боби кибержиноятларнинг турларига бағишланган<sup>67</sup>. Эътиборли жиҳати, ушбу мамлакат Жиноят кодексига “ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятлар”, “компьютер жиноятлари”, “юқори технологиялар соҳасидаги жиноятлар” каби атамаларга дуч келмайсиз. Грузия 2001 йилги Европа

---

<sup>66</sup> Официальное издание Kodeks karny Rzeczypospolitej Polskiej. - Dz. U. Nr 88, poz. 553 i Nr 128, poz. 840 oraz z 1999 r. Nr 64, poz. 729, z 2000r. Nr 48 poz. 548, Nr 93 poz. 1027 od 04.02.01, z 2000 Nr 116 poz. 1216 od 23.06.01.

<sup>67</sup> Уголовный кодекс Грузия // URL: <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>

Кенгашининг Будапешт конвенцияси талаблари асосида Жиноят кодексини кибержиноятларнинг аниқ ва тўлиқ турлари билан тўлдирган. Жумладан, 2014 йил 24 сентябрдаги ўзгартиришлар билан Жиноят кодексига киритилган қуйидаги жиноятлар кибержиноятларнинг асосий турлари ҳисобланади:

- компьютер тизимига рухсатсиз кириш (284-модда);
- хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телефраф хабарлар ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш мақсадида компьютер дастурини яратиш, кириш паролларини ўзлаштириш, сақлаш, тарқатиш ёки маълумотларга бошқача тарзда кириш (285-модда);
- компьютер маълумотлари ёки компьютер тизимини бузиш (286-модда).

Шунингдек, 2006 йил 25 июльдаги ўзгартиришларга асосан Жиноят кодексининг 324<sup>1</sup>-моддасида кибертерроризм содир этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Унга кўра аҳолини қўрқитиш ёки жамоатчиликка таъсир қилиш мақсадида қонун билан қўриқладиган компьютер ахборотларини ноқонуний қўлга киритиш, ундан фойдаланиш ёки фойдаланиш таҳдиди, оғир оқибатларга олиб келадиган бўлса кибертерроризм деб топилади.

Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидан бири ҳисобланган **Филиппин Республикаси**да расмийларнинг тегишли қонунларни ишлаб чиқиш бўйича фаол фаолияти 2000 йил май ойида Филиппинда жойлашган компьютерлардан ILOVEYOU вируси Интернет орқали тарқалгандан кейин бошланди. Бундан ташқари, ўша пайтда амалдаги қонунчилик бундай жиноятни тан олмаган. Компьютер маълумотлари ва фазоси соҳасига тажовуз қилган хатти-ҳаракатларни криминаллаштириш 2000 йилда “Компьютердан фойдаланиш тўғрисида” ги қонун қабул қилиниши билан

амалга оширилди<sup>68</sup>. Ушбу қонуннинг 4-моддасига асосан қуйидаги ҳаракатлар таъқиқланади:

а) Компьютер, компьютер тармоғи, компьютер тизимига, серверга ёки маълумотлар базасига қасддан рухсатсиз кириш ва уларни қўлга киритиш:

1) молия институтлари маълумотлар базасида ёки молия ташкилотининг ҳужжатларида мавжуд бўлган ва унинг миқдорларига тааллуқли маълумотлар;

2) давлат ҳокимияти органларининг маълумотлари;

3) ҳимояланган компьютердаги маълумотлар, агар бу ҳаракатлар маҳаллий ёки ташқи алоқа ёрдамида амалга оширилса.

б) Давлат органлари ёки идораларининг ёпиқ компьютерларидан, давлат органлари ёки идораларининг тегишли компьютерларидан атайлаб рухсатсиз фойдаланиш ёки фақат давлат мақсадларида ёки ҳукумат манфаатларида ишлатиладиган давлат органлари ёки агентликларининг компьютерларига кириш, агар бундай ҳаракатлар тегишли компьютерларнинг бузилишига олиб келса;

в) Фақат компьютердан фойдаланган ҳолда, фирибгарлик мақсадида ҳимояланган компьютер воситаларидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланиш шартларини бузиб, компьютер ахборотни олиш, агар компьютердан фойдаланиш натижасида етказилган зарар бир йил ичида 50000 песодан<sup>69</sup> ошиб кетмаса;

д) Қасддан дастурларни, ахборотларни, код ёки кўрсатмаларни рухсатсиз қўлга киритиш, агар ушбу ҳаракатлар ҳимояланган компьютерга зарар келтирган бўлса;

е) Қасддан ҳимояланган компьютер тизимига қонунга хилоф тарзда кириш, агар бу ҳаракат зарар етказилишига олиб келса;

---

<sup>68</sup> Computer Abuse Act of 2000 / House Bill № 1908. An Act defining Computer Crimes, providing penalties therefor, and for other purposes // < <http://congress.gov.ph> >. p. 3 – 8.

<sup>69</sup> Песо – Филиппин Республикаси миллий пул бирлиги. 1 Филиппин песоси – 203,29 сўм. Маълумот учун: 50000 филиппин песоси = 10 164 500 сўм эквивалентга тенг.

ф) Қасддан фирибгарлик мақсадида компьютер, компьютер тармоғи, компьютер тизими, сервер ёки маълумотлар базасига рухсатиз киришга олиб келиши мумкин бўлган пароллар ёки бошқа маълумотларни қўлга киритиш;

г) Ҳимояланган компьютерга зарар етказиш таҳдиди билан, қўрқитиш ва ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслардан ёхуд давлат органларидан пул ёки бошқа имтиёзларни олиш мақсадида хабар жўнатиш;

х) Компьютер вирусларини электрон шаклда тарқатиш:

1) Қонунга хилоф тарзда кириш, ҳар қандай компьютерни, компьютер тармоғини, дастурий таъминотни, компьютер тизимини, компьютер дастурини, серверини ёки маълумотлар базасини ўзгартириш, шикастлаш ёки йўқ қилиш мақсадида қуйидаги ҳаракатлар:

(I) ташкилотнинг нормал фаолияти бузилишига;

(II) фирибгарликни амалга ошириш ёки алдов йўли билан мулкни бошқаришга сабаб бўлса.

2) Қасддан ёки рухсатсиз кириш, ўзгартириш, операцияларни амалга ошириш, ҳар қандай компьютерлар, компьютер тизимлари, компьютер тармоқлари, дастурий таъминот, дастурлар, маълумотлар базалари ёки уларнинг қисмларига кириш ёки уларни йўқ қилиш;

3) Қасддан ва рухсатсиз пароллар, идентификация кодлари, шахсий идентификация рақамлари ёки компьютерлар, компьютер тизимлари, компьютер тармоқлари, серверлар ёки маълумотлар базалари ҳақидаги бошқа махфий маълумотларни узатиш, нашр қилиш ёки тарқатиш;

4) Ноқонуний кириш ёки транзакцияларни блокировка қилиш ва олдини олиш учун жавобгар бўлган компьютер, компьютер тизими, компьютер тармоғи, дастурий таъминот, дастурлар, серверлар, маълумотлар базалари ёки уларнинг қисмларини қасддан сохталаштириш, шу жумладан бундай компьютер, компьютер тизими, компьютер тармоғи, дастурий таъминот, дастурлар, сервер, маълумотлар базаси ёки унинг қисмлари

фойдаланувчилари ўртасида савдо-сотик алоқаларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш.

Қонунда ушбу хатти-ҳаракатлар учун турли хил жазолар белгиланган: 5 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, 1 миллион песо (тахминан 300 минг АҚШ доллариغا тенг) миқдорида жарима белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда, суд қарори билан жиноят содир этилган компьютерлар, компьютер дастурлари, рухсатсиз фойдаланиш воситалари ва компьютер техникасининг бошқа дастурий-техник воситалари мусодара қилинади.

Кўриб чиқилган тоифадаги жиноятларнинг жинойий жавобгарлик доираси **Япония** Жиноят кодексида муайян ўзига хослик билан ажралиб туради<sup>70</sup>. Эътиборли жиҳати, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар айнан бир бўлим ёки бобда эмас, балки кодекснинг турли бобларида акс этган.

“Ҳужжатларни қалбакилаштириш соҳасидаги жиноятлар” номли XVII боб қуйидагиларни назарда тутди:

– давлат хизматчисини расмий тасдиқланган ҳужжатда нотўғри ёзувларни киритишга мажбур қиладиган ҳаракатлар, хусусан ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ расмий тасдиқланган ҳужжатнинг асл нусхаси бўлган электромагнит муҳитда сохта ёзувлар киритиш (157-модда (расмий ҳужжатларни сохталаштириш));

– сохта ҳужжат ёки тасвир (расм)ни тарқатиш, электромагнит ташувчиларда ёзувни тақдим этиш, ҳужжатни ёки расмни қалбакилаштирган ёки ўзгартирган, сохта ҳужжат ёки чизма яратган ёки уларга нотўғри маълумотлар киритишни ташкиллаштирган шахс каби жазоланади. (158-модда (сохта расмий ҳужжатни тарқатиш));

– (1) бирор юридик фактни расмийлаштириш, ҳуқуқларни амалга оширишда фойдаланиш учун мўлжалланган учинчи шахс фаолиятини

---

<sup>70</sup> Официальное издание The Penal Code of Japan (Law No. 45 of 1907, as amended by Law No. 77 of 1921, Law No. 61 of 1941, Law No. 124 of 1947, Law No. 195 of 1953, Law No. 57 of 1954, Law No. 107 of 1958, Law No. 83 of 1960, Law No. 124 of 1964, Law No. 61 of 1968, Law No. 30 of 1980, Law No. 58 of 1987, Law No. 31 of 1991).

ноқонуний тўсиб қўйиш мақсадида электромагнит тарқатувчилари воситасида гайриқонуний ҳужжат тайёрлаш; (2) агар юқорида айтиб ўтилган жиноят давлат органи ёки давлат хизматчиси томонидан амалга оширилса (161-модда 2-қисм (электромагнит воситалари орқали ноқонуний ҳужжатлар яратиш));

“Ишчанлик обрўси ва тадбиркорликка қарши жиноятлар” номли XXXV боб қуйидаги компьютер жиноятларини назарда тутди:

– тадбиркорни ишчанлик обрўсига компьютер базасидаги электромагнит ҳужжатларни йўқ қилиш, унга нотўғри маълумотлар, буйруқлар ёки бошқа усулларни киритиш мақсадида зид равишда ҳаракат қилиш орқали зарар етказиш (234-модда 2-қисм (компьютерга зарар етказиш орқали тадбиркорликка тўсқинлик қилиш));

“Фирибгарлик ва товламачилик жиноятлари” номли XXXVII боб қуйидаги компьютер жиноятлари учун жавобгарлик белгилайди:

– мулк ҳуқуқини олиш, ўзгартириш ёки йўқотиш тўғрисида гувоҳлик берувчи сохта электромагнит ҳужжатларни бошқа шахс томонидан бизнес операцияларида ишлатиладиган компьютерга нотўғри маълумотлар ёки буйруқларни киритиш, сохта электромагнит ҳужжатларни бошқа шахснинг тадбиркорлик фаолияти давомида муомалага чиқариш ва бундан ноқонуний даромад олиш ёки учинчи томон фойда олишига ҳисса қўшиш орқали тайёрлаш (246-модда 2-қисм (компьютер фирибгарлиги)).

“Жиноятни яшириш ва йўқ қилиш турдаги жиноятлар” номли XL боби қуйидаги компьютер жиноятларини белгилайди:

– давлат органлари иш юритувида фойдаланиладиган электромагнит ташувчидаги ҳужжатларни йўқ қилиш ёки бузиб кўрсатиш (258-модда (давлат органлари расмий ҳужжатларни йўқ қилиш));

– бошқа шахс томонидан фойдаланиладиган ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ бўлган электромагнит ташувчидаги ҳужжатни йўқ қилиш ёки бузиш (259-модда (шахсий ҳужжатларни йўқ қилиш)).



МДХ давлатлари томонидан жиноий қонунчиликда компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини қонуний тартибга солиш бўйича муайян тажриба тўпланган.

1999 йил 9 июльда қабул қилинган **Белорусия Республикаси** Жиноят кодексининг “Ахборот хавфсизлиги қарши жиноятлар” номли XII бўлимидаги<sup>71</sup> 7 та модда компьютер жиноятларига бағишланган:

- компьютер ахборотига рухсатсиз кириш (349-модда);
- компьютер ахборотини модификациялаштириш (350-модда);
- компьютер саботажи (351-модда);
- компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш (352-модда);
- компьютер тизимига ёки тармоғига рухсатсиз кириш учун махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш (353-модда);
- зарарли дастурларни ишлаб чиқиш, фойдаланиш ёки тарқатиш (354-модда);
- компьютер тизими ёки тармоғининг ишлаш қоидаларини бузиш (355-модда).

Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, чет эл давлатларининг жиноят қонунчилигида криминаллаштириш “майдончаси” ахборот борасидаги хавфсизликка тўғридан-тўғри таъжовуз қиладиган қилмишларни ўз ичига олиш билан бир қаторда, ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ижтимоий хавфли таъжовузларни ҳам қамраб олади. Ҳозирги вақтда чет эл мамлакатларининг жиноят қонунларига мазкур нормаларни киритиш қуйидагиларга қаратилган:

1) компьютер технологиялари соҳасида талон-тарож учун жавобгарликни махсус жиноят-ҳуқуқий нормада киритиш;

---

<sup>71</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь. Принят Палатой представителей 1 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Обзорная статья А.В. Баркова. – Минск: Амалфея, 2000. – 320 с.

2) ахборот технологияларидан фойдаланиш белгисини талон-тарожнинг қилмишни криминализациялаштириш белгиси сифатида белгилаш;

3) компьютер ахборотини жинойт тажовуз предмети деб эътироф этиш ёки компьютер технологияларидан фойдаланиш турини жинойтлар содир этиш усуллари ва воситаларидан бири<sup>72</sup> ёки квалификация қилувчи белгиси сифатида криминализациялаштириш;

4) кибержинойтларнинг турларини янгилаш.

Шу нуқтаи назардан чет эл мамлакатлари қонун чиқарувчиларининг компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг белгиларини мустақил жинойт таркибларига ижтимоий хавfli оқибатларни аниқлаштириш йўли билан ажратишга нисбатан ёндашувлари диққатга сазовордир.

---

<sup>72</sup> В.В.Хилюта. Уголовная ответственность за хищения с использованием компьютерной техники // Журнал Российского права. 2014. №3. – С.111-118.

### **2.3. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш истиқболлари**

Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид масалаларни аввалам бор, жиноятнинг объекти, содир этиш усуллари, унинг жинойий-ҳуқуқий тавсифини ҳисобга олган ҳолда иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ҳуқуқий чоралар; 2) ташкилий-техникавий чоралар. Ўз навбатида миллий, минтақавий ва халқаро даражада тан олинган конвенциялар кибержиноятчилар хатти-ҳаракатларини тартибга солиши ва кибержиноятчилик билан боғлиқ суд-ҳуқуқ масалаларини тартибга солиши мумкин.

Мамлакатимизда қабул қилинган мавжуд қонунлар кибержиноятчиликка нисбатан қўлланилмаслиги мумкин, чунки улар Интернет ва рақамли технологияларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилган ва жиноят содир этиш усулига кўра интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи кўрсатилмаган. Шу муносабат билан кибержиноятчилик билан боғлиқ махсус қонунларни қабул қилиш зарур бўлиши мумкин.

Кибержиноятчилик қонунчилиги ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) фойдаланувчилари учун мақбул хулқ-атвор стандартларини белгилайди; кибержиноят содир этганлик учун ижтимоий ва ҳуқуқий санксияларни ўрнатади; АКТ фойдаланувчиларини умуман ҳимоя қилади ва одамларга, маълумотларга, тизимларга, хизматларга ва инфраструктурага зарар етказишни камайтиради ёки олдини олади; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади; интернетда содир етилган жиноятларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш имконини беради<sup>73</sup> ва кибержиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларда мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосларини белгилаб беради.

---

<sup>73</sup> Киберпреступность. Модуль 3. Правовая база и права человека// Образование во имя правосудия серия университетских модулей.// Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019, ст.8.

Кибержиноятлар соҳасидаги қонун ҳужжатларида Интернет, компьютерлар ва тегишли рақамли технологиялардан фойдаланиш, жамоат, давлат ва хусусий ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари қоидалари ва меъёрлари кўзда тутилади; кибержиноятлар билан боғлиқ электрон далиллар, жиноят-процессуал ва бошқа жиноят-ҳуқуқий масалалар қоидалари; кибержиноятчилик ҳолатларида шахслар, ташкилотлар ва инфратузилмаларга етказилган зарарни камайтириш нормалари акс этади. Шундай қилиб, кибержиноятларга оид қонун ҳужжатлари моддий, процессуал ва профилактик қонун-қоидаларни ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, юқорида санаб ўтилган қоидаларга жавоб берадиган муфассал норматив-ҳужжат мавжуд эмаслиги натижасида, мамлакатимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни тизимли асосда йўлга қўйишида жуда кўп муаммолар учраб турибди. Жумладан, Хитой, АҚШ, , Украина, Голландия, Испания, Австрия, Буюк Британия, Россия, Грузия, Қозоғистон, Эстония ва бошқа мамлакатларда кибержиноятчилик ва кибертерроризмга қарши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган ёки қонунчилигига тегишли ўзгартириш киртилган. Мисол учун Хитой Халқ Республикасида “ХХРнинг давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун 2015 йил 01 июльда, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун 2015 йил 06 июльда, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2016 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунларга асосан, мамлакатда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу қонунлар кибертерроризмнинг олдини олиш чораларини ўзи ичига олган ва уларнинг қонунчилигида аллақачон, ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг терроризмдаги ўрни аниқ кўрсатиб берилган.

Масалан, Украинанинг 2017 йил 05 октябрдаги №2163-VIII-сон “Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги

конунининг<sup>74</sup> 1-моддасига асосан, кибертерроризм киберфазода ёки ундан фойдаланган ҳолда террористик фаолиятни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир.

Шунингдек, Беларусия Республикасида 2019 йил 18 март куни **Ахборот хавфсизлиги концепсияси** қабул қилинди. Унда республика учун ахборот соҳасидаги асосий хавфлар, кибержиноятларга қарши кураш соҳасидаги стратегик мақсадлар, уларга қарши кураш усуллари акс эттирилган. Ушбу Концепциянинг мақсади — ахборот соҳасидаги миллий хавфсизликни таъминлашнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойилларини, шунингдек, ички таҳдид манбаларини зарарсизлантириш ва ушбу соҳада миллий хавфсизликка ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини белгилашдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, А.К.Расулев ҳақли равишда қайд этганидек, ҳозирда ривожланган мамлакатларда самарали амал қилиб келаётган ва ўзини оқлаб келаётган амалиёт ва тажрибадан фойдаланиб, бу борада бундай механизмни ишлаб чиқиш ва амалга киритишга кўп вақт сарфламаслик зарур<sup>75</sup>. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва кибержиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдидини ўрганиш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларни тизимлаштириш ва аниқлаштириш лозимлигидан далолат беради. Шу мақсадда **Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022-йилларга мўлжалланган Киберхавфсизлик стратегиясини қабул қилиниши** лозим деб ўйлаймиз. Ушбу стратегияда ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши, ахборот хавфсизлигининг объектлари, хавфларини ва уларнинг оқибатларини, хавфларни олдини

---

<sup>74</sup> Закон от 05.10.17 г. № 2163-VIII “Об основных принципах обеспечения кибербезопасности Украины”. <https://uteka.ua/publication/news-14-delovye-novosti-36-osnovnyye-principy-obespecheniya-kiberbezopasnosti-ukrainy>.

<sup>75</sup> Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2005. – С.90.

олиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш усуллари ва воситаларини, шунингдек давлат органлари ва хусусий секторнинг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиши керак.

Кибержиноятчиликка қарши курашнинг яна бир самарали йўли бу – **криминализация**, яъни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг доимий равишда янгилашиб бориши натижасида улар учун Жиноят кодексида жавобгарлик белгилаш. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар қонун билан аниқ кўрсатилиши лозим. Зеро, “*nullum crimen sine lege*” (қонунда кўрсатилмаган жиноят бўлмайди) ахлоқий тамойилига асосан, шахс ушбу ҳаракатни содир этган пайтда назарда тутилмаган ҳаракат учун жазоланмайди. Моддий ҳуқуқ жисмоний шахслар, юридик шахслар ва давлатни ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Лекин баъзи ҳаракатларни криминаллаштириш учун асос бўлмаса, ҳаддан ташқари криминаллашув хавfli оқибатларга олиб келиши мумкин<sup>76</sup>. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ жиноят ҳуқуқини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш учун зарур воситалардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб амалдаги Жиноят кодексининг 130-моддаси (порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш), 130<sup>1</sup>-модда (Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш), 141<sup>1</sup>-модда (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 149-модда (Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 155-модда (терроризм) ларини Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилиши юзасидан қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, электрон тижорат қоидаларини бузиш, электрон почта манзилларга спам жўнатиш каби “оммалашаётган” ноқонуний хатти-

---

<sup>76</sup> Cybercrime\_all\_Moduls/Cybercrime\_Module\_3\_Legal\_Frameworks\_and\_Human\_Rights

ҳаракатлар<sup>77</sup> учун жавобгарлик белгилаш жиноят қонунчилигига оид моддий ҳуқуқнинг мустақамланишига ҳисса қўшади.

Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг объектига ахборот-технологияларидан фойдаланиб зарар етказиш мумкинлиги нуқтаи назаридан алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўз.Рес Жиноят кодекси мантиқий ва таркибий тузилиши жиҳатидан мукамал ва изчил деб ҳисоблансада, баъзи бир жиноятларнинг объектив томонини дифференциация қилиш лозим. Жумладан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини кибертехнологиялар орқали бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилади. Европа Кенгашининг “Кибержиноятлар тўғрисида”ги конвенциясининг 10-моддасида “муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар” учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган<sup>78</sup>. Худди шундай норма Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши Араб давлатлари лигаси конвенциясининг 17-моддасида (“муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилиши”) таъқиқланган<sup>79</sup>.

Шунингдек соҳадаги етук мутахассислардан бири В.Н.Черкасовнинг фикрича, муаллифлик ҳуқуқини компьютер воситаларидан фойдаланиб бузиш учун жавобгарлик фақат электрон (рақамли) шаклда сақланадиган асарларга нисбатан қўлланилиши керак<sup>80</sup>. А.К.Расулев ўзининг мавзуга оид докторлик диссертациясида ЖК 149-моддасини қуйидаги таҳрирдаги: «Муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган компьютер дастурларидан, ёки ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурлардан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, шунингдек ахборот-коммуникация

<sup>77</sup> Марко Герке. Понимание киберпреступности: Явление, задачи и законодательный ответ.//ITU, 2014, ст.225.

<sup>78</sup> <https://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention>

<sup>79</sup> [https://itlaw.wikia.org/wiki/Arab\\_Convention\\_on\\_Combating\\_Information\\_Technology\\_Offences](https://itlaw.wikia.org/wiki/Arab_Convention_on_Combating_Information_Technology_Offences)

<sup>80</sup> В.Н.Черкасов. Информационная безопасность. Правовые проблемы и пути их решения // Научно-практический журнал, №1, ст.6.

технологияларидан фойдаланган ҳолда муаллифликни ўзлаштириш» деган иккинчи қисм билан тўлдирилиши лозимлигини таъкидлайди<sup>81</sup>.

Экспертиза тайинланишининг мажбурийлиги. Моддий ҳуқук шакллантирилганлиги билан, уни амалда қўллаш учун процессуал қоидалар керак бўлади. Кибержиноятчилик соҳасидаги процессуал қонунчилик маълумотларни йиғиш, алоқа улашиш, қидириш ва олиб қўйиш, маълумотларни сақлаш тартиби билан боғлиқ юрисдикция ва тергов органи ваколатлари, рақамли далилларни аниқлаш, тўплаш, алмашиш, уларнинг яроқлилиги ва жинойий иш юритиш учун мақбуллиги кабиларни ўз ичига олади. А.К. Расулевнинг фикрича, кибержиноятларнинг тез фош этилиши ва сифатли тергов қилинишини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар содир этилганда, экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши лозим<sup>82</sup>. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси **ЖПКнинг 173-моддасидаги экспертиза тайинланиши шарт бўлган ҳолатлар қаторига ахборот тизимлари, тармоқларининг фаолиятидаги бузилиш белгилари, шунингдек, компьютер маълумотлари билан рухсатсиз хатти-ҳаракатнинг мавжудлиги аниқланган ҳолатини қўшиш лозим.**

**Махсус ихтисослаштирилган бўлим тузиш.** Кибержиноятларни тергов қилиш ваколатига эга бўлган ходимларнинг малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ИИВда ушбу жиноятларга қарши курашувчи ягона марказ очиш ва унда малакали ахборот технологиялари бўйича мутахассис ва терговчиларни қайта тайёрлаш; бу борада Жанубий Корея Бош прокуратураси ҳузуридаги Рақамли экспертизалар миллий маркази (NDFC) билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Грузияда Жинойий полиция Департаментида 2012 йилда техник бўлим ва тергов

---


<sup>81</sup> Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Автореферат. дисс. ...фан доктори (DSc). – Ташкент, 2018, 29-б.

<sup>82</sup> Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Автореферат. дисс. ...фан доктори (DSc). – Ташкент, 2018, 30-б.



бўлимига ега бўлган кибержиноятга қарши курашиш учун махсус бўлинма ташкил етган<sup>83</sup>. Техник бўлим ходимлари ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар бўлиб, жиноятларни аниқлаш ва фош этишда, тергов бўлими терговчиларига услубий ёрдам кўрсатишда қатнашадилар. Тергов бўлими эса бирон-бир зарар етказган ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳаракатларга ҳуқуқий малака беради. Бўлинманинг иш вақти 24-соат-24/7 (Будапешт конвенциси тавсияси).

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг “жамоатчилик” ва “жамоат хавфсизлиги” билан ўзаро муносабатлари “офлайн” муҳитдан “онлайн”га ўтиш учун баъзи тушунтиришларни талаб қилади. Шу мақсадда ҲМҚО ва хусусий интернет хизматини кўрсатувчи сектор билан доимий ахборот алмашиш, ўзаро техник ёрдам кўрсатиш бўйича алоқа ўрнатиш, кутилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар тўғрисида хабар беришни йўлга қўйиш лозим.



<sup>83</sup> Темирралиев Т.С., Омаров Е.А. Проблемы противодействия преступлениям, совершенным с применением информационных систем, и пути их решения// Вестник Института законодательства РК №1 (55) – 2019, ст.98.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларидан ташқари, кибержиноятларга қарши профилактик чора-тадбирларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ. Профилактика тўғрисидаги қоидалар ҳуқуқбузарликлар хавфини тартибга солиш ва камайтиришга асосланган. Кибержиноятчилик нуқтаи назаридан, профилактика қонунчилигининг мақсади кибержиноятларнинг олдини олиш ёки ҳеч бўлмаганда кибер жиноятлар туфайли етказилган зарарни камайтиришдир. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида ҳуқуқбузарлик профилактикасига таъриф берилиб, бу – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир<sup>84</sup>. Фикримизча, кундан кун янгиланиб бораётган кибержиноятлар турлари ҳақида аҳолининг доимий равишда ҲМҚО томонидан огоҳлантирилиши, ҳар ойнинг бир кунини “Интернет хавфсизлиги ойлиги” сифатида ўтказиш, мактаб ёшдаги болаларда ахборот ва интернет хавфсизлигига оид кўникмалар ҳосил қилиш учун ўқув дарстурига киритиш, криминализация қилинган жиноятларга доимий равишда Олий суд Пленуми томонидан шарҳ бериб борилиши яхши профилактик самара беради.

Кибержиноятларга қарши курашишда яна бир асосий восита бу халқаро шартнома ва конвенциялардир. Масалан, **2001 йилги Европа Кенгашининг кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенциясининг** мақсади миллий қонунчиликни бирлаштириш, кибержиноятни тергов қилиш усулларини такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдир. Шунингдек, у конвенцияга аъзо давлатларга кибер

---

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни, 2014 йил 14 май (<https://lex.uz/docs/2387357>).

жиноятчиликка қарши кураш бўйича миллий даражада кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, шу жумладан, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (масалан, кибер-жиноятлар учун жавобгарликни жиной қонунчиликка киритиш) ва жиной процессуал қонунига (масалан, жиной тергов ва суд жараёнини олиб бориш тартибини белгиловчи) тавсияларни беради.

Яна бир халқаро ҳужжат бу 2001 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар томонидан имзоланган “Компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш тўғрисида”ги Битимдир. Ушбу битим давлатларни келишув қоидаларини амалга ошириш учун миллий қонунлар қабул қилишга ва кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги миллий қонунчиликни бирлаштиришга чақиради. Маълумот учун, 2019 йил 13 февральдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4188-сонли қарорига кўра МДХ иштирокчи-давлатлари раҳбарлари Кенгашининг 2018 йил 28 сентябрда Душанбе шаҳридаги йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлиги тўғрисида Битими тасдиқланди<sup>85</sup>. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси мазкур халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли органлар этиб белгиланди.

2010 йилда Араб давлатлари Лигаси томонидан қабул қилинган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни бостириш бўйича Араб давлатлари Лигаси конвенсияси. Ушбу Конвенсиянинг асосий мақсади давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, уларнинг мол-мулки,

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4188-сонли қарори, 2019 йил 13 феврал // <https://lex.uz/docs/4292994>.

аҳолиси ва манфаатларини кибержиноятлардан ҳимоя қилиш имконини беришдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти томонидан 2010 йилда қабул қилинган халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим. Ушбу битим киберхавфсизлик ва киберхавфсизликдан ташқарига чиқади ва шартноманинг асосий мақсадларидан бири сифатида давлатлар томонларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда ахборот тизимлари ва уларнинг мазмунини миллий назорат қилиш чораларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳамкорликнинг муваффақияти кибержиноят комиссиясини жиноятчиликка оид ягона миллий қонунчиликнинг мавжудлигига ва кибер жиноятчиликка оид миллий процессуал қонунчиликнинг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, жиноят ишларини юритиш учун далил ва қоидаларни белгилайди. Халқаро ҳамкорлик кибержиноятчилик билан боғлиқ икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама ҳуқуқий воситаларни уйғунлаштиришда ҳам асқотиши мумкин. Кибержиноятчиликка қарши минтақавий ва кўп томонлама воситаларга қўшилиш ва ратификация қилиш ҳам ушбу воситаларни қонуний равишда мажбурий қилиш учун зарурдир.

Масалан, 2001 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг компьютер жиноятларига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномада халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги бир нечта моддалар (5-7-моддалар) мавжуд бўлиб, уларда ушбу келишув қамраб олинган ҳамкорлик шакллари (хусусан: маълумотлар алмашинуви) кўрсатилган. Халқаро ҳужжатларга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатиш; компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, очиш, бостириш ва тергов қилиш ва ҳ.к.), шунингдек аъзо давлатлар ёрдам сўраш усуллари ва аъзо давлатлар учун сўровларни бажариш бўйича кўрсатмалар.

Халқаро ҳамкорликнинг самарадорлиги давлатларнинг далилларга бўлган талабларни қондириш қобилиятига боғлиқ бўлиб, судда ушбу далилларнинг мақбуллигини таъминлайди. Бунинг учун далилларни

миллий гувоҳнома ва жиноий адолат қоидаларига мувофиқ олинисини кафолатлайдиган малакали кибержиноятлар бўйича мутахассислар керак. Шу ўринда айтиш жоизки, **Жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда** электрон далилларни тўплаш, олиб қўйиш, тинтув қилиш, уларнинг бутунлиги ва яхлитлигини таъминлаш, судда кўриб чиқиш учун тақдим этиш масалаларини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш лозим. Хорижий тажриба сифатида айтиш мумкинки, жиноий суд ишларида сезиларли равишда ошиб бораётган электрон далилларга алоҳида эътибор қаратилганлигини инобатга олиб, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Чехия Республикасида ҳам миллий, ҳам трансмиллий ишлар доирасида электрон шаклда тўпланган маълумотларнинг операцион хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ қоидалар белгиланган янги ҳуқуқий ҳужжат кучга кирди.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ёки кибержиноятларни олдини олиш ва ушбу глобал хавфга қарши курашиш учун аввало, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг ҳуқуқий механизмини белгилаш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни мунтазам равишда криминализация қилиш, ушбу тоифадаги жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, махсус тергов ва техник бўлинмаларни ташкил этиш, миллий ва трансмиллий доирада электрон далилларнинг бутунлиги ва яхлитлиги, уларни кўздан кечириш, олиш, сақлаш, судда мақбуллигини таъминлаш, энг аввало, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги масалаларини тартибга соладиган халқаро доирада тан олинган конвенцияларни ратификация қилиш орқали, ривожланган хорижий мамлакатларлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва самарали ҳамкорлик ўрнатиш муҳим қадам ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни янада такомиллаштириш масалалари миллий қонунчилик, ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси, жиноят ҳуқуқига оид илмий-назарий ва юридик адабиётлар, нуфузли халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1. **Компьютер ахбороти** – бу электрон шаклда қайд этилган, компьютер тизими, уларнинг тармоқлари ёки таркибий қисмларида мавжуд бўлган ва электрон шаклда тақдим этиладиган шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги ахборотдир;

2. **Кибержиноят** – бу компьютер тизими, тармоғи, шунингдек компьютер тизими, тармоғига уландиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида шахс, жамият ва давлатнинг моддий ва номоддий неъматларига қаратилган ахборот ҳужуми кўринишидаги кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш.

3. **Киберхавфсизлик** – ахборот инфраструктурасини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, киберинцидентларни аниқлаш ва уларни олдини олишга қаратилган хавфсизлик сиёсати.

4. **Киберинцидент** – ахборотнинг махфийлиги, яхлитлиги, ҳақиқийлиги, бутунлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки потенциал хавф соладиган, шунингдек хавфсизлик сиёсатининг бузилиши билан боғлиқ воқеа.

5. **Кибертерроризм** – яъни компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, шунингдек террорчилик ҳаракатларига аҳолини жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш ва молиялаштириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278<sup>1</sup>—278<sup>7</sup>-моддаларини кибержиноятларнинг махсус турлари сифатида, шунингдек 130-модда 4-қисми, 141<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми “г” банди, 141<sup>2</sup>-моддасини 2-қисмини қуйидаги “е” банди, 149-модда 2-қисми, 155-модда 4-қисм, 167-модда 3-қисм “г” банди, 168-модда 2-қисм “в” банди, 169-модда 3-қисм “б” бандида белгиланган жиноятларни кибержиноятларнинг умумий тури сифатида тушуниш лозим.

## **II. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар:**

1. Жиноят кодексининг 130-моддаси 4-қисмида порнографик маҳсулотни компьютер воситаси, унинг тизими ёки тармоғида жойлаштириш ва тарқатиш мақсадида вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тайёрлаш, шундай маҳсулотни компьютер тизими ёки тармоғида жойлаштириш учун таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек порнографик тусдаги компьютер дастурларини яратиш учун жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

2. Жиноят кодекси 141<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмини “шахсий зарар етказиш мақсадида шахсни таъқиб қилиш, таҳдид қилиш, ҳақорат қилиш ва ушбу ҳаракатлар шахсинг руҳий ва жисмоний ҳолатининг бузилишига сабаб бўлса” банди билан; 2-қисмини “компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса” банди билан тўлдириш лозим.

3. Компьютер тизимлари орқали идентификацияланган маълумот ёки шахсий маълумотларни қонунга хилоф тарзда қўлга киритиш имкониятини инобатга олган ҳолда, Жиноят кодексининг 141<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмини “ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” банди билан тўлдириш таклиф этилади.

4. Интеллектуал мулк объектларини кибер технологиялар воситасида ноқонуний эгаллаш, тарқатиш, фойдаланишни назарда тутувчи қилмишлар учун Жиноят кодексининг 149-моддаси 2-қисмини **“муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган компьютер дастурларидан, ёки ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурлардан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда муаллифликни ўзлаштириш”** банди билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

5. Жиноят кодексининг 155-моддасида кибертерроризм, яъни компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, шунингдек террорчилик ҳаракатларига одамларни жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш ҳамда терроризмни молияштириш учун жинойий жавобгарлик белгилаш лозим.

6. Кибержиноятларнинг махсус турларидан ҳисобланган, Жиноят кодекси 278<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмидаги **“ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари”** сўзларини **“компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи”** жумласи билан тўлдириш лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278<sup>5</sup>-моддаси 1-қисмини **“компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасдан йўқ қилиб юбориш”** жумласи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

8. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар таснифидан келиб чиқиб, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли XX<sup>1</sup>-боби негизида:

1) **“Компьютер ахбороти ва тизимига қарши жиноятлар”** номли XX<sup>1</sup> (278<sup>1</sup>—278<sup>7</sup>-моддалар);



2) **“Шахсий ёки молиявий фойда олиш ёхуд шахсий ёки молиявий зарар етказиш мақсадида содир қилинган ахборот-технологиялари соҳасидаги жиноятлар”** номли ХХ<sup>2</sup> (167-модда 3-қисм “г” банди, 168-модда 2-қисм “в” банди, 169-модда 3-қисм “б” банди, 141<sup>2</sup>-модда 2-қисм “е” банди, 149-модда 2-қисм )

3) **“Компьютер ахборотининг мазмунига қарши қаратилган жиноятлар”** номли ХХ<sup>3</sup>-бобларни (130-модда 3-қисм, 155-модда 4-қисм) яратиш мақсадга мувофиқ.

9. Кибержиноятларнинг тез фош этилиши ва сифатли тергов қилинишини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар содир этилганида экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши мажбурийлигини таъминлаш учун ЖПК 173-моддасини қуйидаги таҳрирдаги ўнинчи банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**“ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурслари фаолияти бузилганлиги белгиларини, шунингдек компьютер ахбороти билан ғайриқонуний ҳаракатлар хусусияти ва ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлигини кўрсатувчи ҳолатларни”.**

### **III. Кибержиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид таклифлар:**

1. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва кибер жиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдидини ўрганиш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларни тизимлаштириш ва аниқлаштириш лозимлигидан далолат беради. Шу мақсадда **Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022-йилларга мўлжалланган Киберхавфсизлик стратегиясини қабул қилиниши** лозим деб ўйлаймиз. Ушбу стратегияда ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши, ахборот хавфсизлигининг


объектлари, хавфларини ва уларнинг оқибатларини, хавфларни олдини олиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш усуллари ва воситаларини, шунингдек давлат органлари ва хусусий секторнинг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиши керак.

2. Минтақавий Европа конвенцияси (Будапешт конвенцияси) ҳалқаро ҳамкорликнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилувчи улкан ҳалқаро воситалардан бирига айланди. Ўзбекистон бу конвенцияни ратификация қилмаган, сабаби муҳокама ва келишмовчиликнинг асосий мавзуси бошқа томоннинг розилигисиз ўз ҳудудида компьютер тизими орқали бошқа томон ҳудудида жойлашган компьютер маълумотларига кириш ҳуқуқини берувчи Конвенсиянинг 32-моддаси талабидир. Марказий Осиё давлатлари ҳудудида ҳалқаро топшириқлар Минск ва Кишинев конвенциялари орқали амалга оширилиб келинмоқда. Лекин, фикримча мамлакатимиз тобора кенгайиб бораётган, макон ва замон танламайдиган кибержиноятларга қарши самарали курашиш йўлида ушбу конвенцияни 32-моддасини рад қилган ҳолда, қўшимча келишув (оговорка) асосида ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

3. Кибержиноятларни тергов қилиш ваколатига эга бўлган ходимларнинг малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ИИВда ушбу жиноятларга қарши курашувчи ягона марказ очиш ва унда малакали ахборот технологиялари бўйича мутахассис ва терговчиларни қайта тайёрлаш; бу борада Жанубий Корея Бош прокуратураси ҳузуридаги Рақамли экспертизалар миллий маркази (NDFC) билан ҳамкорлик қилиш. Бу борада Грузияда Жиноий полиция Департаментида 2012 йилда **техник бўлим** ва **тергов бўлими**га ега бўлган кибержиноятга қарши курашиш учун махсус бўлинма ташкил этган. Техник бўлим ходимлари ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар бўлиб, жиноятларни аниқлаш ва фош этишда, тергов бўлими терговчиларига услубий ёрдам кўрсатишда қатнашадилар. Тергов бўлими эса бирон-бир зарар етказган ёки жиноят

аломатлари мавжуд бўлган ҳаракатларга ҳуқуқий малака беради. Бўлинманинг иш вақти 24-соат-24/7 (Будапешт конвенциси тавсияси).

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг “жамоатчилик” ва “жамоат хавфсизлиги” билан ўзаро муносабатлари “офлайн” муҳитдан “онлайн”га ўтиш учун баъзи тушунтиришларни талаб қилади. Шу мақсадда ҲМҚО ва хусусий интернет хизматини кўрсатувчи сектор билан доимий ахборот алмашиш, ўзаро техник ёрдам кўрсатиш бўйича алоқа ўрнатиш, кутилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар тўғрисида хабар беришни йўлга қўйиш лозим.



5. **Жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда** электрон далилларни тўплаш, олиб қўйиш, тинтув қилиш, уларнинг бутунлиги ва яхлитлигини таъминлаш, судда кўриб чиқиш учун тақдим этиш масалаларини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш лозим. Хорижий тажриба сифатида айтиш мумкинки, жиноий суд ишларида сезиларли равишда ошиб бораётган электрон далилларга алоҳида эътибор қаратилганлигини инобатга олиб, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Чехия Республикасида ҳам миллий, ҳам трансмиллий ишлар доирасида электрон шаклда тўпланган маълумотларнинг операцион

хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ қоидалар белгиланган янги ҳуқуқий ҳужжат кучга кирди.

6. Таълим муассасаларидаги АКТга доир дарсликларга Интернет-маданият ва унинг аҳамиятига қаратилган мавзуларнинг киритиш ҳамда Республикада фаолият юритаётган психологларни ёшларнинг Интернетга қарамлигига қарши кураш, улар онгида интернет-маданият ва ахборот хавфсизлиги кўникмаларини оширишга қаратилган дастурлар йўналиши бўйича қайта тайёрлаш таклиф этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

2. Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли маърузаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни, 1992 йил 13 январь // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 3-сон, 159-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 24 апрель // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинликлари принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2002 йил 12 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 11 декабр // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 йил, 1-сон.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 137-сонли Қонуни, 2007 йил 25 декабр. (<https://lex.uz/docs/1295262>).

11. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни, 2006 йил 20 июль // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2006 йил, 7-сон.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни, 2014 йил 14 май (<https://lex.uz/docs/2387357>).

13. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Қонуни, 2019 йил 02 июль (<https://lex.uz/docs/4396419>).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат

дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.  
(<https://lex.uz/docs/4751561>)

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот – коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/636453>.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон қарори.// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г, №35, ст.924.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4502-сонли қарори (<https://lex.uz/docs/4574228>).

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4188-сонли қарори, 2019 йил 13 феврал // <https://lex.uz/docs/4292994>.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 838-сонли қарори, 2017 йил 17 октябрь (<https://lex.uz/docs/3383538>).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сон “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 33-сон, 858-модда.

### **III. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Европейская Конвенция по киберпреступлениям. Будапешт, 23 ноября 2001 года. // URL: <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/0900001680081561>.

2. Конвенции Лиги арабских государств о борьбе с преступлениями в области информационных технологий, 21 декабря 2010 года // URL: [https://itlaw.wikia.org/wiki/Arab\\_Convention\\_on\\_Combating\\_Information\\_Technology\\_Offences](https://itlaw.wikia.org/wiki/Arab_Convention_on_Combating_Information_Technology_Offences).

3. Соглашения о сотрудничестве государств-участников Содружества Независимых Государств в борьбе с преступлениями в сфере компьютерной информации, 06 январь 2001 года // URL: <https://dig.watch/node/4764>.

4. Конвенции Африканского союза о кибербезопасности и защите персональных данных, 27 июнь 2014 года // URL: <https://au.int/en/treaties/african-union-convention-cyber-security-and-personal-data-protection>.

5. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

#### **IV. Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари:**

1. F.L. Computer Crimes Act tit. XLVI Chapter 815 (1978) // URL:[http://www.flssenate.gov/Statutes/index.cfmApp\\_mde=Display\\_Statute&URL=Ch081.htm](http://www.flssenate.gov/Statutes/index.cfmApp_mde=Display_Statute&URL=Ch081.htm)> cited April.

2. Computer Fraud and Abuse Act (CFAA), 1986 / (18 U.S.C. § 1030) // [Electronic resource] URL:[https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/2-5083428?TransitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)&firstPage=true&bhc](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/2-5083428?TransitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true&bhc)

3. Protection of children Act 1978. – First Published 1978, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1999. – 36 p.



4. Sexual Offences Act 1956 // [Electronic resource] URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Eliz2/4-5/69/contents>
5. Computer Misuse Act 1990 // [Electronic resource] URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1990/18/contents>
6. The Terrorism Act (2000) // [Electronic resource] URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2000/11/contents> .
7. Telecommunications Act 1984. – First Published 1994, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1999.
8. The Penal Code of Japan (Law No. 45 of 1907, as amended by Law No. 77 of 1921, Law No. 61 of 1941, Law No. 124 of 1947, Law No. 195 of 1953, Law No. 57 of 1954, Law No. 107 of 1958, Law No. 83 of 1960, Law No. 124 of 1964, Law No. 61 of 1968, Law No. 30 of 1980, Law No. 58 of 1987, Law No. 31 of 1991). [Electronic resource] URL: <http://www.cas.go.jp/jp/seisaku/hourei/data/PC.pdf>.
9. Criminal code of Georgia // [Electronic resource] URL: <https://matsne.gov.ge/en/document/download/16426/157/en/pdf>.
10. Уголовный кодекс Российской Федерации: федеральный закон РФ от 16 июня 1996 й. № 63-ФЗ // Собрание законодательства РФ. 17.06.96. – ст.360.
11. Уголовный кодекс Республики Беларусь. Принят Палатой представителей 1 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Обзорная статья А.В. Баркова. – Минск: Амалфея, 2000
12. Уголовный кодекс Франции / Науч. ред. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – 650 с.
13. Уголовный кодекс Дании. – М.: МГУ, 2001 // [https://www.studmed.ru/ugolovnyy-kodeks-danii\\_5f17f45608f.html](https://www.studmed.ru/ugolovnyy-kodeks-danii_5f17f45608f.html)
14. Закон от 05.10.17 г. № 2163-VIII “Об основных принципах обеспечения кибербезопасности Украины”. URL: <https://uteka.ua/publication/news-14-delovye-novosti-36-osnovnye-principy-obespecheniya-kiberbezopasnosti-ukrainy>.

15. Сербия, Закон об организации и компетенции государственных органов противодействия преступлениям в сфере высоких технологий (Law on Organization and Competence of Government Authorities for Combating High-Tech Crime) 2010 года.

16. Kodeks karny Rzeczypospolitej Polskiej. - Dz. U. Nr 88, poz. 553 i Nr 128, poz. 840 oraz z 1999 r. Nr 64, poz. 729, z 2000r. Nr 48 poz. 548, Nr 93 poz. 1027 od 04.02.01, z 2000 Nr 116 poz. 1216 od 23.06.01.

#### **V. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:**

1. М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. V том. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. – Тошкент.: «ИЛМ ЗИҲО», 2011.

2. Рўзиёв Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент: ТДҲУ, 2018.

3. Файзиёв О.Р., Хусаинов Д.К. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар. – Тошкент., ТДҲИ, 2009. – Б.63.

4. Ғаниев С.К., Ғаниев А.А. Электрон ҳисоблаш машиналари ва тармоқлари. Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т.: «ИЛМ ЗИҲО», 2016.

5. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2010.

6. Р.А. Каламқарян, Ю.И.Мигачев. Международное право: Учебник – М.: Эксмо, 2004.

7. Киберпреступность. Модуль 1. Введение в киберпреступность.// Образование во имя правосудия серия университетских модулей.// Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

8. Киберпреступность. Модуль 3. Правовая база и права человека.// Образование во имя правосудия серия университетских модулей.// Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019

9. Киберпреступность. Модуль 9. Серии модулей по киберпреступности: «Кибербезопасность и предупреждение киберпреступности: практические методы и меры». // Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности., Вена, 2019.

10. Всестороннее исследование проблемы киберпреступности // Проект, феврал 2013 года., ООН, Нью-Йорк, 2013

11. Gurcke M. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU, 2009.

12. Марко Герке. Понимание киберпреступности: Явление, задачи и законодательный ответ.//ITU, 2014

13. International Telecommunication Union, 2011. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries; Explanatory Report to the Council of Europe Cybercrime Convention, ETS No. 185; Pocar, F., 2004. New challenges for international rules against cyber-crime. European Journal on Criminal Policy and Research, 10(1):27-37; Wall, D.S., 2007. Cybercrime: The Transformation of Crime in the Information Age. Cambridge: Polity Press.

14. S.Morgan. Official Annual Cybercrime Report 2019 // Cybersecurity Ventures.

## **VI. Диссертациялар ва авторефератлар:**

1. Очилов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати., Тошкент, 2017.

2. Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Автореферат. дисс. ...фан доктори (DSc). – Ташкент, 2018.

3. Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2006

4. Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые методы борьбы.. Автореф. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Владивосток, 2005.

5. Прокофьев К.В. Международно-правовые проблемы обеспечения международной информационной безопасности в сети Интернет. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва, 2009.

6. Карпов В.С. Уголовная ответственность за преступления в сфере компьютерной информации. Автореф. Дисс...кан.юрид. наук. – Красноярск, 2002.

## **VII. Илмий мақола ва тезислар:**

1. Анорбоев А.У. Киберхужум орқали ўзгалар мол-мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий ҳолати. // Илмий мақола, Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали, №9. 2019.

2. Номоконов В.А., Тропина Т.Л. Киберпреступность как новая криминальная угроза.// Криминология: вчера, сегодня, завтра. – 2012 г. – 1

(24). – С.47.; Киберпреступность: криминологической, уголовно-правовой, уголовно-процессуальный и криминалистический анализ. / Науч. ред. И.Г.Смирного. – М., 2016. – С. 34.

3. Карпова Д.Н. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. Власть, 2014.

4. Крылов В. Информационные преступления – новый криминологический объект // Российская юстиция. – 2010, № 7.

5. Мазуров В.А. Кибертерроризм: понятие, проблемы противодействия. // Доклады ТУСУРа № 1 (21), часть 1, июнь 2010.

6. Е.А. Кошечкина, С.В.Новиков., К вопросу о проблемах законодательства в сфере кибертерроризма. – Омский научный вестник.: Серия “Общества. История. Современность” № 4, 2017.

7. Г.И.Хотинская, Е.Черменева. Модели раскрытия финансовой информации: эволюция и современность // Науч.стат.: Финансовый вестник: Финансы, налоги, страхование, бухгалтерский учет, 2015, №3

8. Темиралиев Т.С., Омаров Е.А. Проблемы противодействия преступлениям, совершенным с применением информационных систем, и пути их решения// Вестник Института законодательства РК №1 (55) – 2019

9. Дремлюга Р.И., Коробеев А.И., Федоров А.В. Кибертерроризм в Китае: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Всероссийский криминологический журнал. 2017.Т. 11, №3

10. В.В.Хилюта. Уголовная ответственность за хищения с использованием компьютерной техники // Журнал Российского права. 2014. №3

11. В.Н.Черкасов. Информационная безопасность. Правовые проблемы и пути их решения // Научно-практический журнал, №1

### **VIII. Интернет ресурслари:**

<http://www.statista.com>

<https://www.interpol.int>

<http://www.bbc.com>

<https://wearesocial.com>

<https://uzcert.uz>

<https://www.europol.europa.eu>

<http://www.legislation.gov.uk>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-**  
**ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**  
**КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_да қабул қилинган  
Сенат томонидан \_\_\_\_да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-

моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 130-модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Компьютер воситаси, унинг тизими ёки тармоғида жойлаштириш ва тарқатиш мақсадида вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тайёрлаш, шундай маҳсулотни компьютер тизими ёки тармоғида жойлаштириш учун таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек порнографик тусдаги компьютер дастурларини яратиш —

2) **141<sup>1</sup>-модда биринчи қисми диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Шахсининг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, **шунингдек шахсий зарар етказиш мақсадида шахсни таъқиб қилиш, таҳдид қилиш, ҳақорат қилиш ва ушбу ҳаракатлар шахсининг руҳий ва жисмоний ҳолатининг бузилишига сабаб бўлса,** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

3) **141<sup>1</sup>-модда иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги “г” банд билан тўлдирилсин:

г) компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

4) **141<sup>2</sup>-модда иккинчи қисми** қуйидаги “е” банди билан тўлдирилсин:

е) ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

5) **149-модда иккинчи қисми диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган компьютер дастурларидан, ёки ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурлардан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда муаллифликни ўзлаштириш, —

б) 155-модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

Кибертерроризм, яъни компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, шунингдек террорчилик ҳаракатларига одамларни жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш ҳамда терроризмни молияштириш, —

7) **278<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Компьютер ахборотидан, яъни компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек кириш кодлари, компьютер пароллари ва маълумотларга ноқонуний эгаллик қилиш агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, компьютер техникаси, унинг тизими ёки тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

8) **278<sup>5</sup>-моддаси биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, **компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасддан йўқ қилиб юбориш**, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) —

9) **278<sup>6</sup>-моддасининг биринчи қисм** диспозициясидаги “**махсус вирус**” сўзлари “**махсус зарарли**” жумласига ўзгартирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й.,



03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й.,  
03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й.,  
03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й.,  
03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й.,  
03/20/613/0362-сон, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон) қуйидаги қўшимча ва  
ўзгартиришлар киритилсин:

1) **173-модда биринчи қисми** қуйидаги таҳрирдаги **ўнинчи банд**  
билан тўлдирилсин:

“ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурслари фаолияти  
бузилганлиги белгиларини, шунингдек компьютер ахбороти билан  
ғайриқонуний ҳаракатлар хусусияти ва ушбу ҳаракатлар амалга  
оширилганлигини кўрсатувчи ҳолатларни”.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат  
қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви  
органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини  
қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу  
Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва  
аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил \_\_\_\_\_,  
ЎРҚ-\_\_\_-сон

**“Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”  
ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасига  
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

<b>Жиноят кодексининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар</b>		
<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Таклиф этилаётган таҳрир</b>	<b>Асослангириш</b>
<p>130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш</p> <p align="center"><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш</p> <p>....</p> <p align="center"><i>(тўртинчи қисм)</i> <b>Компьютер воситаси, унинг тизими ёки тармоғида жойлаштириш ва тарқатиш мақсадида вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тайёрлаш, шундай маҳсулотни компьютер тизими ёки тармоғида жойлаштириш учун таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек порнографик тусдаги компьютер дастурларини яратиш –</b></p>	<p>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш» каби масалалар назарда тутилган.</p> <p>Ахлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунга асосан ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб этишга</p>

		<p>қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланган. Ахлоққа зид ҳуқуқбузарликлар, рухий ва маънавий-ахлоқий ривожланишга путур етказувчи ахборотларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини кескин ошириш мақсадида “компьютер асри”да туғилиб, вояга етаётган болаларнинг маънавий онгини компьютер тизими, тармоғида порнографик маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ҳамда порнографик тусдаги дастурларни яратиш учун жиноят қонунида алоҳида жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.</p> <p>МДХ мамлакатларидан бири Украина Жиноят кодексининг 301-моддасида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ва ушбу ҳаракатлар порнографик тусдаги компьютер дастурлари орқали содир этилиши жавобгарликни кучайтиради.</p>
<p>141<sup>1</sup>-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш (<i>биринчи қисм</i>) Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи</p>	<p>141<sup>1</sup>-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти</p>	<p>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят</p>

<p>шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса –</p> <p>.....</p> <p>(иккинчи қисм) Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;</p> <p>б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;</p> <p>в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —</p>	<p>тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, <b>шунингдек шахсий зарар етказиш мақсадида шахсни таъқиб қилиш, таҳдид қилиш ва ушбу ҳаракатлар шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолатининг бузилишига сабаб бўлса</b>, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</p> <p>.....</p> <p>(иккинчи қисм) Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;</p> <p>б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;</p> <p>в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;</p> <p>г) <b>компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса</b>, —</p>	<p>қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш» каби масалалар назарда тутилган.</p> <p>“Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси, Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхатининг 1-бандига асосан шахсий маълумотлар махфий ахборот қаторига киради.</p> <p>Глобал тармоққа уланиш, маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштириш ва масофадан киришдан фойдаланган ҳолда операцияларни ишлаб чиқиш компьютер тизимлари орқали идентификацияланган маълумот ёки шахсий маълумотларни ўғирлаш имкониятларининг кенгайишига олиб келди.</p> <p>Хусусан, ривожланган хорижий мамлакатлардан АҚШ, Германия,</p>
---	---	---

		<p>Франция жиноят қонунчилигида шахсий ҳаётга оид сирлар махфий маълумотлар ҳисобланиб, уларни ахборот технологиялари воситасида қўлга киритиш, тарқатиш, таҳдид қилиш таъқиқланади. Жумладан, замонавий дунёда шахсий ҳаётнинг бузилишида ҳар хил компьютер технологияларидан фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олиб, Франция Жиноят кодексининг “Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига тажовузлар тўғрисида”ги бўлимида қонун билан қўриқладиган шахснинг маълумотларини унинг розилигисиз компьютер воситаларидан фойдаланиб, қўлга киритиш, фойдаланиш, қайта ишлаш жинойий жавобгарликка сабаб бўлади.</p>
<p>149-модда. Муаллифлик ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш .....</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>149-модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (иккинчи қисм) <b>Муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган компьютер дастурларидан, ёки ахборот- коммуникация технологиялари учун дастурлардан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, шунингдек</b></p>	<p>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги</p>

	<p><b>ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда муаллифликни ўзлаштириш –</b></p>	<p>тахдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш» каби масалалар назарда тутилган.</p> <p>Интеллектуал мулк ҳисобланган муаллифлик ёки ихтирочилик маҳсулотларини кибер технологиялар орқали кўчириб олиш, эгасизлантириш, муаалифнинг розилигисиз эълон қилиш каби ижтимоий ҳафвли ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, халқаро даражада тан олинган конвенцияларга, жумладан, Европа Кенгашининг “Кибержиноятлар тўғрисида”ги конвенциясининг 10-моддасида “муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар” учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ҳудди шундай норма Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши Араб давлатлари лигаси конвенциясининг 17-моддасида (“муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилиши”) таъқиқланган.</p>
<p>155-модда. Терроризм ....</p>	<p>155-модда. Терроризм .... (<i>тўртинчи қисм</i>)<b>Кибертерроризм, яъни компьютер техникаси воситаси,</b></p>	<p>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят</p>

<p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>унинг тизими ёки тармоғи, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланиб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, шунингдек террорчилик ҳаракатларига одамларни жалб қилиш, бундай ҳаракатларни тарғиб қилиш ҳамда терроризмни молияштириш, —</p>	<p>қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш» каби масалалар назарда тутилган.</p> <p>Ахборотлашув жараёнининг ривожланиши компьютер жиноятчилиги ва компьютер терроризми каби янги жиноятларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Янги ва ўрганилмаган жиноий соҳа сифатида инсоният учун хавфли ҳисобланган кибертерроризм муаммосини ҳал этиш алоҳида ётибор талаб қилади. Интернет тармоғидаги очиқ манбалар орқали биологик, кимёвий ҳаттоки ядро қуролларини тайёрлаш технологияларини ўрганган ҳолда амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ётиборини тортмоқда. Сайтларни ноқонуний йўллар билан бузиш орқали кибертеррорчилар турли махфий маълумотларни олиш имкониятига ега бўлмоқда. Кибертерроризм аслида ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралashiш,</p>
----------------------	--	--

		<p>компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий қўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир.</p> <p>Хорижий тажриба сифатида, Буюк Британия, АҚШ, Испания, Австрия, Хитой Халқ Республикаси, Украина Республикаларида кибертерроризмга қарши кураш борасида алоҳида қонун қабул қилинган бўлиб, Грузия Республикаси Жиноят кодексининг 324<sup>1</sup>-моддасида кибертерроризм содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.</p>
<p>278<sup>2</sup>-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (биринчи қисм) Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз)</p>	<p>278<sup>2</sup>-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (биринчи қисм) Компьютер ахборотидан, яъни <b>компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғидаги</b> ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз)</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш Концепсияси”га мувофиқ, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят</p>



<p>фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —</p>	<p>фойдаланиш, шунингдек <b>кириш кодлари, компьютер пароллари ва маълумотларга ноқонуний эгалик қилиш</b> агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, <b>компьютер техникаси, унинг тизими ёки тармоқлари</b> ишининг бузилишига сабаб бўлса, —</p>	<p>билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси илгари сурилди.</p> <p>Шу ўринда ЖК ХХ<sup>1</sup>-бўлимини такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазаларни баён этиш зарур, деб ўйлаймиз. Хусусан, ЖК 278<sup>2</sup>-моддаси диспозициясида ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлар – бу ички ва ташқи жамғарчичлар, компьютер хотираси, периферия қурилмалари хотирасидаги ахборот ҳамда алоқа каналлари орқали ўтувчи ахборотлардир.</p> <p>Электрон ҳисоблаш машинаси бу ахборотни қайта ишлашни автоматлаштириш учун мўлжалланган қурилма ёки қурилмалар мажмуи.</p>
---	---	---

		<p>Электрон ҳисоблаш машиналари мураккаб ва такрорланадиган вазифаларни тезда, аниқ ва сифатли бажариши ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни тезда сақлаши ва ўқиши мумкин. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, компьютер атамаси электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) атамасини амалда сиқиб чиқарди. Замонавий рақамли компьютерлар ёрдамида электрон ҳисоблаш машиналарининг функция ва вазифалари ортиғи билан бажарилмоқда ва ушбу ҳисоблаш машиналаридан деярли ҳеч ким фойдаланмаяпти. Демак ушбу ахборот жамиятидаги ривожланишни ҳисобга олиб “электрон ҳисоблаш машиналари” атамасини қўллаш ноўрин деб ҳисоблаймиз.</p>
<p>278<sup>5</sup>-модда. Компьютер саботажии (биринчи қисм) Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажии) —</p>	<p>278<sup>5</sup>-модда. Компьютер саботажии (биринчи қисм) Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, <b>компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш Концепсияси”га мувофиқ, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят</p>

	<p><b>ахборотини қасдан йўқ қилиб юбориш</b>, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи)</p> <p>—</p>	<p>билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси илгари сурилди.</p> <p>Компьютер саботажи деганда, компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, шунингдек компьютер тизимини бузиш тушунилади. Хорижий тажриба сифатида, Буюк Британияда “Компьютерни суистеъмол қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида - компьютерни, компьютер тизимини ёки тармоқни йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш, маълумотни рухсациз олиш учун; Франция Жиноят кодексининг 323<sup>2</sup>-моддасида компьютер тизимининг ишлашига ёки ишлашига халақит бериш; 411<sup>9</sup>-моддада бирон-бир хужжат, машиналар, қурилиш, жиҳозлар, ўрнатиш, мосламалар, техник воситалар ёки маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимини йўқ қилиш, шикастлаш ёки ўғирлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.</p>
--	--	--

		Шу муносабат билан, ЖК 278 <sup>5</sup> -моддаси биринчи қисмининг диспозицияси ҳам такомиллаштиришни талаб қилади.
278 <sup>6</sup> -модда.____Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш ( <i>биринчи қисм</i> ) Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш —	278 <sup>6</sup> -модда.____Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш ( <i>биринчи қисм</i> ) Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек <b>махсус зарар келтирувчи</b> дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш —	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш Концепсияси”га мувофиқ, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси илгари сурилди. Мазкур модда зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатишни таъқиқлайди. Шунингдек, модда диспозициясида “махсус вирус” жумласи ишлатилган. Вирус – бу дастурчи томонидан тузилган, компьютер иш фаолиятини текис ишлашига ҳалақит берадиган, оқибатда компьютерни ёқилишини ҳам тақиқлаб

		<p>кўядиган дастурдир. Бу дастурлар асосан интернет тармоғи орқали фойдаланувчи компьютерига тушади. Фикримизча, “вирус” ҳам зарарли дастур бўлганлиги сабабли, модда диспозициясида ушбу жумлани қўллаш такрорийликни келтириб чиқаради.</p>
<p><b>Жиноят-процессуал кодекси 173-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида</b></p>		
<p>173-модда. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги .....  Тўлдирилмоқда</p>	<p>173-модда. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги (ўнинчи банд) <b>“ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурслари фаолияти бузилганлиги белгиларини, шунингдек компьютер ахбороти билан ғайриқонуний ҳаракатлар хусусияти ва ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлигини кўрсатувчи ҳолатларни”</b>.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш Концепсияси”га мувофиқ, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси илгари сурилди.</p> <p>Моддий ҳуқуқ шакллантирилганлиги билан, уни амалда қўллаш учун процессуал қоидалар керак бўлади. Кибержиноятчилик соҳасидаги процессуал қонунчилик маълумотларни йиғиш, алоқа улашиш, қидириш ва олиб</p>

		<p>кўйиш, маълумотларни сақлаш тартиби билан боғлиқ юрисдикция ва тергов органи ваколатлари, рақамли далилларни аниқлаш, тўплаш, алмашиш, уларнинг яроқлилиги ва жиноий иш юритиш учун мақбуллиги кабиларни ўз ичига олади. Кибержиноятларнинг тез фаш этилиши ва сифатли тергов қилинишини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар содир этилганда, экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши лозим.</p>
--	--	---